

САИД НАБИ ВОҶИФ  
ДИЛ САДОЛАРИ

Кичик девон

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти


Ўз 2

В 79

Ю 27994

2

Ю



### Воқиф, Саид Наби.

Дил садолари: Кичик девон. — Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1998.—120 б.

Шеър — маънавий эҳтиёж, зарурият фарзанди. Шоир дилида етилган фикрлар, ҳаёт ҳақиқати ёки инсоний ноҳақликлар ҳақида одамларга нимадир демоқ, деганда ҳам баралла ёки ҳайқириб айтмоқ муддати етганда дунёга келадиган шеърлар ўз ихлосмандларини топиши табиий. Чунки шоир дунёси дунёдан ва одамлардан айру эмас, шоир дилидаги дардлар бошқаларга ҳам тинчлик бермаётган дарддир, қувончи бошқалар қалбига ҳам эзгу ҳис-туйғу етказадиган қувончдир.

Ўз 2

В 4702620202

М 352 (04)—98 қатъий буюртма, 98.

© Саид Наби Воқиф, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998 й.

ISBN 5-635-01688-X

## ДУНЕДАН ОГОҲЛИҚ БАХТИ

Фасллар алмашади, замонлар ўзгаради, дарёлар ўзани янгиланади, деиғизлар соҳилидан узоқлашади, бир сўз билан ифода этганда, инсон боласи ҳам бундай қисматдан истисно эмас. Бироқ йиллар тўфони, замон эврилишлари қошида собит туролган, дину эътиқодидан, аждодлари ҳаётига сайқал берган расму удумларидан кечмаган шундай кишилар ҳам борки, кўпинча улар билан ҳаммаҳалла, ҳамкўча ёки девор-дармиён қўшни бўлиб яшаймиз-у, уларнинг улуғ инсоний фазилатларидан, фазлу камолидан огоҳ бўлмай ўтиб кетишимиз мумкин. Чунки чуқур дарё тинч оқади — бундай инсонлар ўзларининг камтарин ва хоксорликлари туфайли кўп ҳам кўзга ташланавермайдилар, қилган ишлари ёки хайрлиғ амалларини рўкач қилишдан истиҳола қиладилар, кимларгадир яхшилик кўрсатган ёки ёрдам берган бўлсалар, буни фисабиллоҳ — холисона ва бетама қиладилар, миннатлик ошдан ўзларини парҳезда тутадилар. Худди шундай бир инсон ўзи ва ҳаёти ҳақида турфа таъдиду таҳқирлар қошида ҳам ўзлигини сақлаб қолгани ҳақида фахр билан ушбун дейдики, бундай демоққа қанчалик ҳақли эканини ҳис қилиш мумкин:

Ётмиш йил ўт ичра ёнганда жисмим,  
Уша Саид Наби, ўзгармас исмим.  
Минг шукр, таъмасиз ўтказдим умр,  
Қасбу ҳунар қилдим, покликдур расмим.

Бу мисралар ижодкори мен номларини тилга олмақчи бўлган Саид Наби ҳожи Нажмиддинхон ўғли—

шоир Воқифи қарийб ўттиз йилдан бери биламан. Тақдир тақозоси билан Мирзачўлда журналистлик қилиб юрганамда Саид Наби ака билан танишганмиз. Бунга эса шеър сабабчи бўлган. Вилоят газетасига шеърлари ва ғазалларини олиб келганларида бизда шеърятга хос илиқлик ва самимият пайдо бўлган. Шеър у шоирлар ҳақида кўп гурунглар қурганмиз, мумтоз шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида чуқур билимга, катта қувват ҳофизага эга бўлган киши билан суҳбатлар бизга кўп нарса берган, буни тан олмай бўлмайди.

Чустий ва Чархий домлалар билан ғазалхонлик қилиб юрган Саид Наби аканинг ғазаллари, ғазалдек мураккаб ижод маҳсулига жиддий муносабатда бўлишлари бизни бу соҳани ўрганишга даъват этар, устозларга ҳурматлари нечоғлик буюклиги бизга ибрат бўларди.

Саид Наби аканинг ғазаллари ва мухаммаслари ўзлари учун баралла жавоб берадилар — улардан мисоллар келтириб, шеърхоннинг вақтини олишим инсофдан бўлмас, дейман. Яхшиси, улар босиб ўтган ҳаёт йўли, аждодлари, замонлар синовига қандай дош берганлари ҳақида икки оғиз сўз айтсам...

Саид Наби ака 1921 йилда Самарқанд шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топган. Оталари Нажмиддинхон қори Қурбонхон ўғли нақшбандия сулукининг етув олимларидан бўлган. Оталари барча ўғилларини фикҳ ва тасаввуф олимлари бўлиб етишишлари учун Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида ўқитган. Саид Наби аканинг амакилари Шаҳобиддин фикҳ олими бўлиш билан бирга Шаҳобиддин Убайдий тахаллуси билан зулнисонин шоир сифатида танилган, икки девон соҳиби бўлган, шеърятнинг ҳамма турларида тасаввуфна асарлар ёзган.

Саид Наби акага бошланғич таълимни волидан муҳтарамалари Башорат отин ўргатдилар. Адабиётга қизиқиши катталигини сезган оталари у билан махсус шуғулландилар. Алишер Навоий, Ҳофиз, Саъдий, Бедил,

Жомий, Огаҳий, Фурқат, Муқимий ва бошқа ўзбек ва форс адабиёти намояналари асарларини ўргатиб, шеърятнинг қонун-қоидаларини тушунтирдилар.

— 1930 йилда бизнинг оила, ҳеш-ақраболаримиз қувғинга тушдилар,— деб айтадилар Саид Наби ака.— Барча амаким ва амакизодаларим жонларини қутқариш учун Афғонистонга ўтиб кетишди. Баъзилари Туркияга, Саудия Арабистонига, Эронга, ҳатто Америка Қўшма Штатларига тарқалишди. Биз Ургутда, Шаҳрисабзда яшадик. Кейин, 1930 йили Тошкентга келдик. Лекин бу ерда ҳам тинчлик топмадик. 1937 йилда дадам Тошкентнинг 17 уламеси қатори қамоққа олиниб, икки йилдан сўнг отиб ўлдирилди. Мен 1941 йил ўрта мактабни тугатиб, урушга кетдим. Ленинграднинг 903 кунлик қамали тутагач, Польшани озод этишда иштирок этдим. Тўрт марта яраланиб, охири 1944 йилда иккинчи даражали ногирон бўлиб қайтдим...

1946 йилдан 1951 йилгача адлия институтида ўқиган Саид Наби акани оталарнда «халқ душмани» тамғаси борлиги учун адлия тизимида ишлашга нолайиқ топишади. Қолаверса, бутун қариндошлари ташқи давлатларда яшаётгани ҳам рўқач қилинди. Бу зарба Саид Наби аканинг иродасини буколмади. 1955 йили Тошкент халқ хўжалиги институтининг банк-кредит бўлимига ўқишга кирди ва 1960 йилда муваффақиятли тугатди. 1963 йилда Сирдарё вилояти ташкил этилгач, Мирзачўлга ишга отланди, вилоятнинг совет ва матлубот кооперацияси идораларида масъул лавозимларда ишлади. 1986 йилдан буён нафақада бўлиб, пири бадавлат отахон фарзандлари камоли ва бахтидан мамнун ҳаёт кечирмоқдалар. Баъзида ота касблари — мўйнадўзлик билан ҳам шуғулланадилар.

Саид Наби аканинг латиф газаллари ва мухаммаслари Воқиф тахаллуси билан вақтли матбуотда эълон қилиб келинади. Устозлари Чустий ва Чархий пазари тушган ижодкор ёзганларини жамлаб, китоб ҳолида

чол этилишига сира ошиқмадилар, бу балким у кишининг камтарликларидандир. Бу, балким, ўзлари қайд этганларидек, ҳали ўрганиш зарурати борлигиданми, билмадик:

Шукрим, Чустию Чархий билан мен ҳамнафас бўлдим,  
Тахаллус Воқиф ўлди, кам эрур минг бор ўргансам.

Доно халқимизда эзгуликнинг кечи йўқ, деган ҳикмат бор, ниҳоят, шеърхонлар билан юзлашишларининг пайти келипти — «Дил садолари» ғазал мухлислари ҳукмига ҳавола этилаётир, илло, бу учрашув хайрли бўлишига шубҳамиз йўқ. Шоир Воқифнинг дилидан таралаётган садолар юксак ғояларга — одамийлик, меҳру мурувват, умри боқий туйғулар тараннумига, меҳру оқибатга даъват этаётгани учун ҳам ўз мухлисларини топади. Зеро, шоир сўзи — ҳақ сўз, ҳақ ва тўғри сўз — инсонга хос, инсонга муносиб:

Мен сенга ҳар сўзни айтдим, ростдур,  
Гар амал қилсанг у хайруносдур.  
Эй, азизим, тўғрилик олам аро  
Яхши инсонларга лойиқ, хосдур.  
Ростлик бирла жаҳон обод ўлур,  
Тўғри сўз тошни кесар, олмосдур.

Шоир китобини варақлаганда, бундай ҳаёт ҳикмати даражасига кўтарилган фикрларнинг шеърӣ пардоз билан берилганига ишонч ҳосил қиласиз.

*ЖОНИБЕК СУБҲОН*

## САВОБ ЭСА

Солгил қулоқ агар сенга ҳожат савоб эса,  
Сўз қадрини йўқотгуси гар бежавоб эса.

Ошиқларингни кўплигидия менга боқмадинг,  
Ҳар бир матони қадрини ошар камёб эса.

Фаввораларга айланур икки кўзимда ёш,  
Фаррош ўлай йўлингда сепиб сув сароб эса.

Мен аҳли дил қаторида бир сонли ҳақир,  
Қайда қолур савоб, агар менга азоб эса.

Эй сарвиноз, майли, кел олмай ҳижобни,  
Қалбим кўзи-ла бир боқай майли ҳижоб эса.

Вайрона кўнглим айладим кошона сен учун,  
Таъмир қил ўзинг келиб гар бу хароб эса.

Воқиф, ҳамеша махфий қил тоатни бериё,  
Ваҳдат пиёласидин умед мушки ноб эса.

## АЖАБ ЭРМАС

Ажаб эрмас туғилса ҳар расодин норасо пайдо,  
Нечунким тўғри ўсган ҳар дарахт қилмас асо пайдо.

Қотиштирган билан олтинга мисни қадри ортмайдур,  
Қачон пардоз ила тош айлагай дурдек жило пайдо.

Ватан туфроғини қадрига ет, меҳрингга сайқал бер,  
Шу элдин бўлдилар оламга машҳур кўп даҳо пайдо.

Отанг шоҳ бўлса ҳам мағрурланма, эл надими бўл,  
Бил, эй, оқил киши душмандин айлар ошно пайдо.

Киши ким гоҳида малманлик билан мардудлик айлар,  
Қочар нафратланиб эл, шаънига етгай сазо пайдо.

Илоҳо асрагил бевурд кишилар суҳбатидан сен,  
Лоқайдлик келтирур муфлисларга кибру ҳаво пайдо.

Дедилар: «Қулли шайин яржиун аслиҳи»,<sup>1</sup> Воқиф,  
Гадодин шоҳ туғилгай, шоҳдин бўлмас гадо пайдо.

---

<sup>1</sup> «Ҳамма нарса аслига қайтади» оятидан.



## АЖАБ ДУНЕ

Ажаб дунё эрур, ҳар кимда ҳар турли ҳунар пайдо,  
Биров гул ошиғи бўлса, биров қилмоқда зар пайдо.

Биров осмон кезар, гўёки ерда иш топилмайдур,  
Биров ғаввос ўлиб ер остидан айлар гуҳар пайдо.

Биров бир парча ноп излар, биров майхонада бўзлар,  
Биров турли ҳунар айлаб қилур муздан шакар пайдо.

Биров боғ ўрнига кимё экиб банд айлагай ерни,  
Ариқлар, чашмалардан оқизиб минг захри тар пайдо.

Биров ўз отасин тузлар, биров ҳамсоясин кўзлар,  
Биров чўнтак кесар, кўп соқчилардан кўру кар пайдо.

Нечук озодлик бу, ҳар киши ўз билганин қилгай,  
Итбат йўқ учун элда бўлибдур бесамар пайдо.

Агар қонунда куч йўқ, юртда қайдин бўлсин осойиш,  
Келибдур ҳар тарафдин турли ташвишли хабар пайдо.

Қилинг мажлисни камроқ, текширинг қонунни ижросин,  
Вакиллар сайланиб, кўрсатмагай гоҳ бир ҳунар пайдо.

Азалдан бир эдик, халқ дўст эди, қонуни мустаҳкам,  
Ватанни тортмасин ҳар ён гуруҳлар, алҳазар пайдо.

Худое, сен ўзинг Воқиф ҳама асрори оламдин,  
Бу юртга офият нурини соя, қил бехатар пайдо.

## ЭЙ ҚУЕШ

Эй қуёш, нуринг сочиб бизни фаромуш айлама,  
Лоладин соғар тутиб, булбулни сархуш айлама.

Оразинг нури тажаллийдурки, баҳр олгай набот,  
Пардаи исмат ёпиб ўзни сиёпўш айлама.

Сажда қилгай қайси бир нури ҳидоят шаъмига,  
Ўт ёқиб иўлингга солмоқлиққа зардуш айлама.

Эй, ҳақими пуркарам, курсат менга бир мўъжизот,  
Кўрсатиб роҳи ҳақиқатдан баюгўш айлама.

Қил карам, ёлғиз умед сендин, иноят манбаи,  
Бу умед остонидан қайтарма, хомуш айлама.

Дев бирла мойил ўлди ул пари хилъат кийиб,  
Ўзгалар олдида сен бизни наमतпўш айлама.

Бу азиз туфроқким хуббул Ватандур, Воқиф, ул  
Хирмонингги асрагил, мулки каломуш айлама.

## ҚАЕРДА

Қунт бўлмаса муддао қаерда,  
Намсиэ эса ер гиё қаерда.

Андоза олурми симу зардин,  
Гар асли сафол, жило қаерда.

Синдирма кўнгилни косасин ҳеч,  
Гар синса унга чего қаерда.

Жон лааззатидур мароқли кулгу,  
Мум қайда-ю, мўмиё қаерда.

Ҳар дардингни сен табибга сўзла,  
Вақт ўтса сенга даво қаерда.

Ҳамдардга муруват ўлмагунча  
Сен излаган ошно қаерда.

Беҳуда гапирма, тилни тишла,  
Сўнг эл демасни: «Ҳаё қаерда?»

Соз ушлагани-ла мутриб бўлмас,  
Бепарда туриб наво қаерда.

Мағрурлигин кўринг қамишни,  
У қайда-ю, бўрё қаерда.

Устоз машаққатини қадр эт,  
Йўқ эрса сенга зиё қаерда.

Воқифни дилида завқи ёшлик,  
Сен қайда, ҳали асо қаерда.

## ТОПИЛСА

Десам кўнгилда борин, бир ошно топилса,  
Ҳар дамда суҳбатидан файзу жило топилса.

Таъби равону нозик, ҳар сўзи дилга озиқ,  
Кўксим очиб дер эрдим, кел, марҳабо, топилса.

Рашк айлабон тилимдан номини дилда асраб,  
Жон ўрнига кўрардим жонимга жо топилса.

Мажнун каби пиёда, чўл кезмадим зиёда,  
Ишқ ўргатай мен аммо мажнуннамо топилса.

Кел дийдам узра, жоно, сенсан мени ҳаётим,  
Ичмам сенингсиз асло оби бақо топилса.

Умр ўтмасин абасда, гоҳи баланду пастда,  
Бир лаҳзалик ҳаётим кош бехато топилса.

Воқиф, бу дам ғанимат ёру диёру дўст ҳам,  
Чин дўст мисоли кузгу, қўнмас хато топилса.

## БОРДАЙ

Сенсизин, эй дилрабо, менга бу дунё тордай,  
Сен билан бир лаҳза суҳбат айламак душвордай.

Мен кезиб оламни ҳаргиз кўрмадим бир нозанин,  
Хулку одобу ҳаё жами мужассам ёрдай.

Эй, пари рухсор, сенсиз бу чаманни гуллари  
Кўзларимга мисли хошоку, қадрсиз хордай.

Бу нечук сир, таърифинг ёзмоққа ожиздур қалам,  
Бир неча дафтарга сиғмайдурки, сеҳринг бордай.

Офтоби безаволинг зарраси тушган маҳал  
Кимёга айланур санг пора бетакрордай.

Бўйнима таъвизи ишқ солсам, дединг, зуннор бу,  
Ишқ элин наздида таъвиз гоҳ ўлур зуннордай.

Воқифо, вайронага айланса кўнглинг, бузмагил,  
Кулба қурмасдин бурун уй бузгучи меъмордай.

## УРГАНСАМ

Менга бахт ёвар ўлса, саъй этиб ашъор ўргансам,  
«Баҳористон»и Жомий, Саъдийдан «Гулзор» ўргансам.

Ватанни таърифин мадҳ айласам Бобур каби йиғлаб,  
Навоий назмидин мен «Ҳайрат-ул аброр» ўргансам.

Саҳарлар нола қилсам мисли Ҳофиз андалиб янглиғ,  
Уни куйлаш учун Машрабсифат сетор ўргансам,

Рақиб рӯсияҳлар майли отсин таъна тошини,  
Кириб мен соҳири ҳинд<sup>1</sup> базмида гуфтор ўргансам.

Уқиб таҳсил олай Зеби Жаҳон оронн назмидин,  
Димоғим тоза айлаб, мушки анбарбор ўргансам.

Аё, соҳиб назар, бир лутф этиб сен таъби назм ўргат,  
Ки мен мадҳинг ёзиб лутфу карам изҳор ўргансам.

Шукрим, Чустию Чархий билан мен ҳамнафас бўлдим,  
Тахаллус Воқиф ўлди, кам эрур минг бор ўргансам.

---

<sup>1</sup> Соҳири ҳинд — ҳинд сеҳргари Хусрав Деҳлавий.

## ЎЛМАГАЙ

Ҳар нечук бегона сирдош ўлмагай.  
Дилда махфий сақласанг фош ўлмагай.

Яхшилар дунёда кўп, аммо азал  
Қумда ўсган мош бетош ўлмагай.

Зоғ бирла юрса булбул боғ аро  
Ҳеч қачон ҳамфикру сафдош ўлмагай.

Мард билан муфлисни фарқи тоғча бор.  
Феъли кенг дунёда қаллош ўлмагай.

Ташналик, очликни жабрин кўрмаган  
Беқаноатларда бардош ўлмагай.

Теша янглиғ тортмагин ўзинг томон,  
Ўзгалар ризқи сенга ош ўлмагай.

Ориятли ҳар нечук олим киши,  
Илми ташлаб ҳеч фаррош ўлмагай.

Қарчиғай, бургут баланд парвоз этар,  
Қолса ҳам оч овқати лош ўлмагай.

Сувга нарқ ўлгани қутқармоқ учун  
Аҳли гаввос ичра кенгош ўлмагай.

Тўнкама ўз қилмишинг пешонага,  
Бўлмаса пешона кўз-қош бўлмагай.

Воқифо, қилдинг татаббу Чустийга,  
Нақш севмас эрса наққош ўлмагай.

## МИННАТЛИ ДАРЁДАН

Гуруринг бўлса ҳаргиз ичма сув миннатли дарёдан,  
Қачон оқил киши йўлни сўрар ҳар кўру аъмодан.

Олишнинг бермоғи бор дейди-ку ақли расо халқим,  
Не қолдирдинг элингга, не олиб кетгунг бу дунёдан?

Тушиб дарёга, ким чиқса қуруқ, иқбол йироғ ундан,  
Қуриб берган билан юқмас унинг тахтини тиллодан.

Ватаннинг равнақига ҳисса қўшмоқ сўз билан бўлмас,  
Нелар зоҳир қилур аҳли тафаккур, ўйла кимёдан.

Риёзат чекмасанг саҳрода унмас донан буғдой,  
Ёғилмас ҳеч қачон чалпак сабабсиз Арши аълодан.

Умрни косасин лойқатдинг, энди сабр ила тиндир,  
На ҳосил охири афсус ила айтган «Дарйго»дан.

Либоси кўҳнани камситмангиз, эй ялтироқ тўнлар,  
Ҳама ҳам завқ ололмас чарх ўйнатган таманнодан.

Киши идрок ила яхши-ёмонни фарқин ажратгай,  
Қачон бетаъм ажратгай совун таъмини ҳалводан.

Ҳама махлуқ ичида мўътабар одамдаги ахлоқ,  
Уни одам демаиғ бсбаҳра бўлса бу муаммодан.

Менинг бу гулшани боғимни кўрса Ҳофиз Шероз,  
Кечар эрди ҳамеша иштиёқи ул Мусаллодан.

Элинг севса сенга бас, Воқифо, сен элдан ажралма,  
Бу юртга файзи раҳмат ёғилибдур Ҳақ Таолодан.



## САҲРОГА АЙЛАНГАЙ

Агар гулзор аро сув бўлмаса, саҳрога айлангай,  
Йиғилса қатралардан жилға, сўнг дарёга айлангай.

Ватан устига атлас кўрпа ёп, у сержило бўлсин,  
Замин сайқал топиб, ҳар тоши минг тиллога айлангай.

Ҳаёт дорилфунунин имтиҳони сермашаққатдур.  
Унинг сиррини ўрганган киши донога айлангай.

Илит қалбингни қўри бирла ҳар эккан ниҳолингни,  
У гунча гул бўлиб, сўнг мушки анбарсога айлангай.

Дилинг оинасига маърифат нури-ла сайқал бер,  
Жило топгач у бир кун ғазнага маънога айлангай.

Ўзинг оинага боқмай, дема ҳеч ўзга нуқсонин,  
Ўзини билмаган ҳар кимса бепарвога айлангай.

Қаноат тожини кийган гадони подшо дерлар,  
Етиб тоғ ичра ҳар жинс сабр ила мўмиёга айлангай.

Ҳалим қўйган билан отини, пишмасдан ҳалим бўлмас,  
Пўлот ҳам сув билан ўтга тушиб буррога айлангай.

Диёрим Ўзбекистон ер юзида мисли жаннатдур,  
Уни ҳар шоирни ҳам булбулигўёга айлангай.

Ҳамши, Воҳифо, юганда сендан яхши из қолсин,  
Ҳидоят топса ҳар ким лойиқи мавлога айлангай.

## ЛАБИНГДАН

Менга бир бўса бер шаккар лабингдан,  
Қадр топмиш сени кавсар лабингдан.

Лабинг теккан замон жом тилга кирди,  
Ошиб кайфияти соғар лабингдан.

Уёлиб дарёнинг тубига тушди,  
Хижолат тортибон гавҳар, лабингдан.

Лабинг устида ҳолин билмаган хол  
Қарайди ўртаниб аҳгар лабингдан.

Дединг бир сўзни сен, лаб лабга тегди,  
Илиб кетди уни заргар лабингдан.

Лабинг таърифини гилосу ёқут  
Қилолмай қолдилар музтар, лабингдан.

Нечук ташбеҳ этай ул икки лабини,  
Тилар Воқиф мудом соғар лабингдан.

## САДҚА

Ёқут каби лабингга, э ёр, лола садқа,  
Ширин табассумингга мавжи шалола садқа.

Кўрганмисан ўзинг ҳеч оинада юзингни,  
Кўргач ўзинг бўлардинг нақши кулола садқа.

Нурдан сени яратмиш наққоши зийнаторо,  
Аксини кўриб янги ой, мисли ҳилола садқа.

Гоҳи бериб қуёшга, гоҳида ойга нисбат,  
Шаънингга айламишлар минг бир рисола садқа.

Чаккангга гул тақибсан, ўт тушди ўтга гўё,  
Куйдирмоғи муқаррар бағримни пола садқа.

Бу ўлка ичра сендек кўп позанину зебо,  
Танҳосан, ўхшашинг йўқ, мен мисли Вола, садқа.

Мен садқаси чаманда гул бирла гулфурушни,  
Гул баами ичра, Воқиф, рухсори ола садқа.

## ЕРУ ҲАМДАМИМ

Бошима кулфат тушибдур, қайда ёру ҳамдамим,  
Бўлмаса ёнимда ҳамдардим, яна ортар ғамим.

Эй рақиблар, кулмангиз дашном ила ҳолимга сиз,  
Ноумид ўлмам, келур бир кун мусибатсиз дамим.

Кўнглим истар бир нафас осудалик айёмини,  
Ҳосилимдур бесамар ҳам бемурувват раҳзаним.

Қанча гул экдим ҳаёт гулзорига сайқал бериб,  
Баъзиси санчар тикан, заҳми-ла тўлмиш масканим.

Гоҳ фарқ ўлгум тафаккур наҳрининг гирдобига,  
Носиҳо, билгилки, ваҳдат жоми ичра олашим.

Мен келиб оламга, бир дам топмадим осудалик,  
Шукрилиллоҳ, даҳр аро йўқ ўзгадин ортуқ, камим.

Воқифо, меҳнат-ла бўл, кўнглингни узмай ёрдин,  
Гар кўнгил пок ўлса, пок ўлгай вужуди масканим.

## ДАРАК

Тўлди гулшан гул билан, йўқ бизни Раънодан дарак,  
Базм этар анжум самода, йўқ Сурайёдан дарак.

Не матои бор мени дилхастада жондан бўлак,  
Ерима еткур менга тушган бу савдодан дарак.

Гоҳ қувонгум ёрни кўрсам гар тафаккур боғида,  
Чун гадо топган каби бир хумда тиллодин дарак.

Бор аро сарву санобар тебранур минг ишвада,  
Ераб, истиғноми бу, йўқ сарви болодан дарак.

Номини зикр айлагум, истаб ширинлик комидин,  
Ком лаззат топмади, топганда ҳалводин дарак.

Баъзи муллоларни кўрдим, ўзни дер исонафас,  
Лек улар нутқида йўқдур қатра маънодан дарак.

Мен талабгори висолам кунжи меҳнатхонада,  
Яккасан, ёраб, ўзинг бер бу муаммодан дарак.

Бу либосим остида турли жароҳат ошкор,  
Лек кўнглим лавҳида нақши мусаффодан дарак.

Воқифо, талх ўлса коминг неъматни ҳақни тила,  
Сен қашоат бирла топгунг файзи мавлодан дарак.

## ОЛЛОҲ ДЕГАЙМАН

Васлингни тилаб шому саҳар оҳ дегайман,  
Лутфу караминг қил менга ҳамроҳ дегайман.

Махфий тутаман дардимни бир сен биласан деб,  
Бу дардима ёлғиз сени огоҳ дегайман.

Ҳар ким дилида борини дилдорига айтур,  
Додимга ет, эй Холиқи биллоҳ, дегайман.

Солдинг сен ўзинг жон қушини тан қафас ичра,  
Номинг ҳақи, қил лойиқи даргоҳ дегайман.

Аксингни кўрай ойнаи гити намода,  
Ўзни унутиб ҳар кеча, эй моҳ, дегайман.

Шом ўлдими зулфингни кўриб мушк қорайибдур,  
Қил субҳинг ила йўлини ислоҳ, дегайман.

Илминг сирини қатра бу Воқифга насиб эт,  
Мен сажда қилиб, лаҳза минг Оллоҳ, дегайман.

## УЙҒОТГИЛ

Саҳар вақти, сабо, ёрим бориб бир бор уйғотгил,  
Силаб кокулларни оҳиста, беозор уйғотгил.

Яна маст бўлмагини шўхлик қилиб зулфи ҳавосидан,  
Сочиб гул наххатидан мисли бир аттор, уйғотгил.

Шивирлаб сен қулоғига дегин гуллар паёмини,  
Юзини ўпгали шошмоқдадур анҳор, уйғотгил.

Дегил, ой хилъатини ташлаб тамошо қилса суқ бирлан,  
Қуёш кўргач жамолига бўлур хуштор, уйғотгил.

Дегил, барча муғанний гул тутиб келмиш саломига,  
Яна ёринг кутар де, илқида сетор, уйғотгил.

Нечук журъат қилай ул ёр нозик уйқуда бўлса,  
Насими субҳ, ўзинг бор мен учун такрор, уйғотгил.

Агар уйғонса сен биздан салом айтиб, аёгин ўл,  
Дуогўйи қадиминг Воқифи бемор, уйғотгил.

## ЛАФЗИ ШАКАРИМ БОР

Болни на қилвай, сен каби лафзи шакарим бор.  
Жон ила таним ёғдуси нури башарим бор.

Қош ила кўзунг имлашадур, фитнага мойил,  
Ағёр ила кепгашдилар, ундан хабарим бор.

Лаъл ила лабинг ранг талашур ёқути тардан,  
Рашк айлар эмиш бир-бири, ундан хатарим бор.

Қозига кўзинг ришва бериб ҳукм чиқармиш,  
Юзинг уялиб деди: гуноҳинг ўтарим бор.

Эй ёр, десам мен сени бир ошиқи зоринг,  
Деди: сен эмас, бир неча сендан батарим бор.

Ёр, ўзгага кўрсатма жамолингни, десам, мен,  
Ноз ила дегай ишвада, минг бир хунарим бор.

Минг поз қилу, майли, бу Воқифия унугма,  
Ҳақ сўзни десанг бас, сени доим кутарим бор.



## КЕЛДИ БАҲОР ҚАЙТИБ

Келди баҳор қайтиб, кулди чаманда лола,  
Қўзғолди водий бўйлаб шўх мавж уриб шалола.

Гунча лабини очди, боғ ичра атр сочди,  
Юз ноз ила кўринди қош ўйнатиб ҳилола.

Қилмай қўшиқни канда, гуллар териб чаманда,  
Мен маҳлиёси анда мафтунни ойжамола.

Қулф урди атру райҳон, сочди ифोर ҳар ён,  
Булбул бўлиб ғазалхон, чекмоқда оҳу нола.

Сув бўйида эгиб бош, тол баргагин қилиб фош,  
Тасвир этарга наққош, ҳайрон эрур бу ҳола.

Бахмал кийиб адирлар, гулга безанди қирлар,  
Жамбил сочиб атирлар, бизга қилур ҳавола.

Бу бир табиий қудрат, эл топди қадру ҳурмат,  
Воқиф, бу дам ғанимат, ёз шаънига рисола.

## ТУЙ БЎЛСА

Тўй бўлса гўзал базму таралло била бўлса,  
Хонандага жўр рақс ила ялло била бўлса.

Қош ўйнаса-ю, кўз сузилиб, кулкуда лаблар,  
Ёшу қарининг лафзида ҳалво била бўлса.

Май бўлмаса ҳам майли, қимиз лаззати жондур,  
Юзлар қизариб, нозу таманно била бўлса.

Кулгу уялиб пардага чулганса ҳарирдан,  
Аскиялари пўшида маъно била бўлса.

Юлдузлар ўраб ойни тамошога етаклаб,  
Зухрою Зухал — барча тамошо била бўлса.

Меҳмон бўлишиб уй тўрида давлату иқбол,  
Кўк хон ясатиб, туҳфа Сурайё била бўлса.

Хизматда турар, белда қамиш, кекса бу Воқиф,  
Ёнида неча аҳли тасалло била бўлса.

## ДУНЕНИ САҚЛАЙЛИК

Келинлар, дўстлар, биз бирлашиб дунени сақлайлик,  
Жароҳат кўрмасин бу ҳур Ватан, аълони сақлайлик.

Ватан топталмасин попоклар гарди аёғидан,  
Бу тинчлик қалъамизни, муҳташам бинони сақлайлик.

Боқарлар бир печа попоклар бизга ҳасад бирлан,  
Суриб хор ила хасни, гул экиб, раънони сақлайлик.

Қуёш нури ҳамиша порласин мағрибу машриқда,  
Қувиб кўкдан булутни, пок этиб маъвони сақлайлик.

Яна мазлумларнинг фитнадин тўкилмасин қони,  
Муқаддас юртни асраб, тоғ ила дарёни сақлайлик.

Ишонманг аҳди ёлғон бетайинларнинг фасодига,  
Ватанинг кўрки бўлган олиму доноси сақлайлик.

Мусаффо осмонда учмасин зоғ бирла қузғунлар,  
Чаманинг сайқали ул булбулигўёни сақлайлик.

Жаҳон аҳли ҳама бирлашса тинчлик барқарор ўлғай,  
Туриб бир сафда биз, тинчлик деган маънони сақлайлик.

Гўдаклар, оналар бу гул Ватанда бахтиёр бўлсин,  
Ҳаётнинг гуллари — фарзанд — чаман орони сақлайлик.

Удуми, маслаки бир халқ эрурмиз, сиз бўлинг Воқиф,  
Келинг қўл ушлашиб, биз неъматни анвони сақлайлик.

### СЎЗ

Дилга роҳат бахш этар гар бўлса беозор сўз,  
Ранжитар ҳар кимсани бетузу бемсёр сўз.

Сўзласанг ҳар кимга доим беғубор ўлсин сўзинг,  
Панд бергай бир кунни гар бўлса серишқор сўз.

Ўргатинг фарзандни бир сўз бирла этмакка юмуш,  
Қиймати кетгай у сўзни, десангиз такрор сўз.

Сўзки бор. одамга бахш айлар қувонч ёки алам,  
Ўйламасдан гоҳида ишлатмангиз айёр сўз.

Яхши бир маъноли сўз минг турфа сўздан покроқ,  
Қайтариб билмас уни ҳар печа депг инкор сўз.

Нотиқо, беқадр қилма ганжаи мулкнингни кўп,  
Ихтиёринг берма тилга, очгуси асрор сўз.

Дўстлар кўпдир, билурлар ҳар печук асроримиз,  
Дилда махфий сақланур ёр ишқидин тумор сўз.

Кўп дема, Санд Наби, сўз гавҳарин ози лазиз.  
Кўп десанг бўлмас харидори, у бўлгай хор, сўз.

## МУВАШШАҲ

На ҳожат кўзу қошингни бўяб турли жилоларга,  
Гирифтор айлама рухсори олингни балоларга.

Азалдан позаниларга безак бўлган табиийлик,  
Ким ҳам боқгай эди чоҳ ичра беркинган зиёларга.

Сен оқилликни касб эт, хулқу одобингга сайқал бер,  
Бу ёшлик кўп ғанимат, чап бериб ўтгин хатоларга.

Исит қалбнингни қўри бирла, бир олижаноб ахтар,  
Қўшилма калтафаҳму, бетайин, шилқим, гадоларга.

Бу бозори жаҳонда сен матои хубни танлаки,  
Ҳавас қилсин сенга ёшлар, ўзинг ёқ ошноларга.

Ажаб бир мўътабар кошонадур бу даргоҳи санъат,  
Хатарли йўлдасан, қайтгил, кириб авфу атоларга.

Ҳаётинг энди бошланди, билиб сен айла хизматни,  
Олиб таълим, саъй этсанг етарсан муддаоларга.

Солиб санъатни бозора, матои кўҳнабет билма,  
Насиҳат қилди Воқиф, сен амал қил илтижоларга.

## БИЛМАЙСАН

Соғиндим, кечалар мен уйқусиз бедор, билмайсан,  
Қилурман ухламай номингни минг такрор, билмайсан.

Фироқинг куйдириб бағримни, найлай, дудлар қилди,  
Ва лекин ҳажр ўти жисмим қилур абгор, билмайсан.

Табиби ҳозиқим сен, бир келиб дардимга малҳам қил,  
Шифойи васлиинг умидида бу бемор, билмайсан.

Зиё топсин кўзим, жоно, мунаввар бу жамолингдан,  
Рақиблар ўртага қўймай туриб девор, билмайсан.

Сенга кўп арзу додим, ўзгага изҳор этиб бўлмас,  
Нечушким сен менга чин маҳрами асрор, билмайсан.

Сен ул кун базм аро агёр ила бололишин бўлдинг,  
Қолиб остонада мен мисля мажнувор, билмайсан.

Вафо бобида лоф урган эдинг минг ваъдалар айлаб,  
Вафосизлар қилур ўз ваъдасин ишкор, билмайсан.

Сени кўрган кунимдан то бу дам орому тоқат йўқ,  
Кўлгулнинг косаси зардоб ила зангор, билмайсан.

Гуноҳим севганимдур, ўзга айбим бўлса иқрор эт,  
Қилай сенга тазарру, ёлвориб иқрор, билмайсан.

Емон кўздин сени ҳифзу ҳимоят айласин тағрим,  
Дуода Воқифинг, минг берсанг ҳам озор, билмайсан.

## СУЗЛАСАНГ БЕДАРДГА

Сўзласанг бедардга бошини кўтармас ошдан,  
Луқмадан сингай тиши, у ажратолмас мошдан.

Қадр билмасларга сотма гавҳари ноёбни,  
Бир ғараз сўз бирла гавҳар қадри тушгай тошдан.

Дўст топгил бағри кенг, дардингга малҳам бўлгудек,  
Офтоби оламородак сахий қўлдошдан.

Тош ила гавҳарни фарқин билмаган сарроф эмас,  
Лек қадрин сўрмагин гавҳарни ҳар авбошдан.

Одам аҳлин қилгуси одамсифат фазлу ҳунар,  
Мансаб аҳли не учун устун турар фаррошдан.

Юзингда не нақш бор, оина аксин кўрсатур,  
Бори тасвири қалам, сен ранжима наққошдан.

Тенг яратмиш барча инсонни ўзи парвардигор,  
Нега бож олгучи кўп бизнинг қадимий Шошдан.

Эл аро бордур масал: ўзингни қилсанг эҳтиёт,  
Сақлагайсан ўзнию қўшнингни ҳар бебошдан.

Воқифо, қадрингни бил сен, аҳли Турондур элинг,  
Шукрлар қил дарғаҳи Ҳақга, қутулдинг лошдан.

## МАРСИЯ

*Муътарража волидам Башорат отин хотирасига*

Алвидо, эй муинси ғамхўр, меҳмоним, онам,  
Меҳри дарё волидам, чин яхши инсоним, онам.

Оҳ, шафқатсиз ўлим қилди бу кун сиздин жудо,  
Соғиниб қайдин топай энди, қадрдоним онам.

Сиз менга ҳам отаю устози аввал эрдингиз,  
Маърифат ўргатгучи муллою хушхоним онам.

Сиз туфайли кўрмадим ҳаргиз етимлик ранжини,  
Эй, мелинг дорилфунуним, илму урфоним, онам.

Хаста бўлсам, бошим ушлаб сиз қилардингиз дуо,  
Сўзлари малҳам, шифобахшиму луқмоним, онам.

Мен учун ёлғиз суянчиқ, катта бир тоғ эрдингиз,  
Изларингиз сўргали йўқ энди имконим, онам.

Сизни мен юз йил кўтарсам бошимга мисли қуёш,  
Томчи сутингизга арзирми ахир, жоним онам?!

Руҳингиз шод айлаин доним дуода ёд этиб,  
Жонингиз жаннатда бўлсин пок домоним, онам.

Сиз каби олижанобу меҳри дарё кам бўлур,  
Чин етимпарвар, сахий, меҳри фаровоним, онам.

Изларингизни кўзимга қилмадим мен тўтиё,  
Энди ортар йиғласам афсусу армоним, онам.

Розидурмиз барчамиз, сиз ҳам бўлинг биздан ризо,  
Воқифо, қилгил дуо ҳар субҳ, «Қуръон»им онам.



## УРГАН

Ҳаёт тарзини аввал ота—бузруквордан ўрган,  
Саховат, меҳр қадрин она — пуранвордан ўрган.

Ҳамиша маърифат гулзорини сайр айламак бўлсанг,  
Эринмасдан сўраб устози фан, асрордан ўрган.

Киши оламга меҳмондур, ғанимат ҳар дамин билсанг,  
Умр беҳуда ўткармайдиган ҳушёрдан ўрган.

Боболар экдилар, бизлар едик, сен ҳам кўчат экгил,  
Бу сўзнинг маънисин сен даври соҳибкордан ўрган.

Кўнгилни доимо покиза тут дард истамас бўлсанг,  
Юриб беҳуда дармон истаган бемордан ўрган.

Улуғлар айтдилар, ўрган ҳунар, тут бир касбни бошин,  
Тагини пухталаб қаср қургучи меъмордан ўрган.

Жаҳонга не учун келдинг, кетарда қилмагин афсус,  
Қариган чоғда бошинг узра ёққан қордан ўрган.

Кишига меҳнату ғайрат ҳамиша бахт келтиргай,  
Бўлиб Воқиф, сен ҳам даврони бетакрордан ўрган.

## КЕЧАСИ

Кўзларим йўлида, кутдим ёрни пинҳон кечаси,  
Келмади аҳдин бузиб ул аҳди ёлғон кечаси.

Хушxabар берди сабо, «Ёрингни кўрдим боғда», деб,  
Мен қолиб, суҳбат қилар гул бирла райҳон кечаси.

Раҳм қилгаймни нигорим тирнаса кўксимни ишқ,  
Рашк тирноғи билан жисмимни ҳижрон кечаси.

Неча муддат дард чекарман, ҳажрдан ором йўқ,  
Малҳами жоним бўлиб, бир келса луқмон кечаси.

Кўрса ёримни қочар кўзи тиниб кўкдан қуёш,  
Сўнг тамошога чиқар юлдузли осмон кечаси.

Соғинурман кўрмасам ҳар лаҳзада жононани,  
Бир кўринса ноз ила, олам гулистон кечаси.

Кундузи муштоқи зори кўп зрур мендек уни,  
Зор ўлиб Саид Наби кутмоқда меҳмон кечаси.

## САБАБЧИ

Ноз этса гўзал ҳаё сабабчи,  
Лутф этса етук ибo сабабчи.

Юзини яширса нозанинлар,  
Бу сирли сукут, ризо сабабчи.

Қаддини кўриб эгилса товус,  
Тўбидаги ҳамд, сано сабабчи.

Раҳмат жабалини хокин ўпдим,  
Сен холиқи куллаҳо сабабчи.

Дийдорини очса ёришур тонг,  
Ваш-шамс ила Ваз-зуҳа<sup>1</sup> сабабчи.

Ул пок бадан ҳарир ичида  
Товланса деманг мато сабабчи.

Ким топса китоби нури имон,  
Албатта анга зиё сабабчи.

Лаб писта, кўз усти мисли бодом,  
Бу домга фақат риё сабабчи.

Ё раб, эшигингда роз этармен,  
Лаббайка узинг, худо, сабабчи.

Воқифи гадони такягоҳи,  
Эй, вожиби кибриё сабабчи.

---

<sup>1</sup> В а ш - ш а м с ва В а з - з у ҳ а — «Қуръон» даги «Қуёшга қасам» ва «Чошгоҳ вақтига қасам» суралариг<sup>1</sup> ишор<sup>1</sup>.

## ТОЗА ТУТ

Эй кўнгил, ишқингни мулкинг ичра гулдек тоза тут,  
Сен вафо бобида мажнундан баланд овоза тут.

Қўймагни меҳрингни усти ялтироқ ҳар тошга,  
Сакрама ҳар шохга, булбулга боқиб андоза тут.

Ишқ бир савдоки, сен девоналик қилма ҳавас,  
Ёр учун ишқ дафтарини лавҳига шероза тут.

Нома ёзсанг ёрга дил розини билсин қалам,  
Сезмасин бегоналар ҳар сатрини қоғоза тут.

Шукр қил ҳижрон туни ўтгач келур айёми васл,  
Сабр қўрғонини мустаҳкам этиб, дарвоза тут.

Ёр партав очса юздан кулба бўлгай рўшно,  
Гул териб, Саид Наби, гулга ўралган ғоза тут.

## ТУШ

Кетмас бу боғ гулларининг ҳиди димоғдин,  
Кирган ҳамиша таҳсин ўқир иштиёғдин.

Ҳар гунча очмайин лабин иффат либосида,  
Нозик лаби тарам-тарам нозу фироқдан.

Бир нозанинки, гул ўйнаб, ғазал ўқир,  
Гўёки бол қайнади бир шўх булоғдин.

Мафтун қилди ғазалу дилрабо мени,  
Оҳанги сеҳри кетмади ҳаргиз қулоғдин.

Боқсам, менга ҳаё билан у тишлабон лабин,  
Деди кулиб аста менга: «Сиз қаёғдан?»

Дедим: «Нигори нозанин, кел, бир ғазал ўқи,  
Қолдим йўлингда қанча кезиб мен аёғдан».

Деди: «Аёғ бўлмаса не бирла келдингиз?»  
Лол ўлдим, сукутдамен ушбу сўроғдан.

Деди: «Висол истаган пойлаб юрурму ҳеч,  
Гул деб фиғон чекмагай булбул йироғдан».

Воқиф эдим бу сирдану уйғондим ул саҳар,  
Тушдан тасалли топди кўнгил, кўз—чароғдан.

## АДАБ ДЕРЛАР

Киши қадрин оширмоқ боиси аввал адаб, дерлар,  
Мурувватсиз кишини аҳли дунё беталаб, дерлар.

Мулойим сўзу вазминлик ақлни сайқали эрмиш,  
Киши умрин узоқ этмакка кулгу ҳам сабаб, дерлар.

Қимики тунд бўлса жой ололмас тўрда улфатдан,  
Баҳосин заки улфат унинг хулқига қараб, дерлар.

Садоқат бирла ҳар ким қилса меҳнат ўз днёрига,  
Ҳақиқий боғбон аҳлини эл соҳибнасаб, дерлар.

Ариқ очмай туриб гулзорга сув боғламоқ мушкул,  
Текин сув истаган ҳар кимсани эл ташна лаб, дерлар.

Синаб кўр дўстни бир имтиҳони беғараз бирлан,  
Садоқат аҳлига ҳар сўзни ижросин синаб, дерлар.

Қимики истаса бу саҳни оламда хуррамлик,  
Ниҳоли меҳр эксин уни халқига атаб, дерлар.

Нечук бахтким, Ватан ободу дўстни беғаразлар кўп,  
Емону яхши ўтгай, дўст ғанимат лаҳзалаб, дерлар.

Гулистони суҳанда мисли булбул беғараз куйла,  
Ширин ашъор ёз, Саид Наби, бордур талаб, дерлар.

## ШАҲАР

Мирзачўл эрмас, Гулистон орази гулгун шаҳар,  
Хушҳаво, серфайзликдан этгуси мафтун шаҳар.

Боғлари озода, салқин, қизлари ундан латиф,  
Чин миришкорлар диёри, водии Сайҳун шаҳар.

Барча миллатдан вакил бор, қон-қардошу аҳил,  
Навқирон дўстликни рамзи, яъни сермазмун шаҳар.

Кенг хиёбонида озод ўлкамизни рамзи бор,  
Мустақиллик боиси ўсмоқда кундан-кун шаҳар.

Қурдилар дорушифо-ю, бағри кенг кошоналар,  
Лол қолгай эрди гар кўрганда Афлотун шаҳар.

Унда бор файзи Бухоро ҳам Самарқанд сайқали,  
Бўлгуси равнақ топиб Фарғонадек устун шаҳар.

Бу шаҳарлик олийҳиммат, дўст учун меҳмоннавоз,  
Донг таратган пахтакор кўнглидай оқ олтин шаҳар.

Бир келинг, дўстлар, тутайлик сизга чўл гулдастасин,  
Шод бўлгайсиз кўриб, ҳам айлагай мафтун шаҳар.

## СИРАТИН БИЛМАЙ ТУРИБ

Сийратин билмай туриб, суратга сиз аъло, деманг,  
Гар табиийлик анда зоҳир эмас, зебо, деманг.

Шиша ҳам заргар қўлида жилваю пардоз олур,  
Ҳар неча турланса ёқут ҳам эмас, тилло, деманг.

Ёд қилган бирла шарҳин билмаса бир маънини,  
Тўтин ширинсухан, лекин уни мўлло, деманг.

Тентираб, гоҳ чайқалиб оқгучи ҳар бир жилгани,  
Бир гиёҳ баҳр олмаса, у беқадр, дарё, деманг.

Боғ аро минг турфа гул битгай баҳор айёмида,  
Мушк-анбар сочмаган ҳар бир чечак раъно, деманг.

Қанча ўргатманг сабоқ файзи латофатдин анга,  
Асли гар зоғу зоғон, сиз булбулигўё, деманг.

Ҳар нечук маъдан ҳам тобланмай асбоб ўлмагай,  
Кўрмаса босқон дамни сув кесмагай, бурро, деманг.

Барчага тенгдур қуёш нуридек илму маърифат,  
Баҳраманд бўлмас кишини ҳеч қачон доно, деманг.

Бахт шулдур, мен ҳама боримни берсам халқима,  
Мен шу халқ зарраси, Саид Наби танҳо, деманг.



## ИШҚ ТАЪРИФИ

Фунуни ишқни ким афсона дер, у элда аъмодур,  
Муяссар бўлмағай ҳар кимга бу оташ, муаммодур.

Агар ғаввос эмассан, кирмагин дарёи ишқ ичра,  
Солиб гирдобига ғарқ айлағай, бу катта дарёдур.

Муҳаббат ҳажр тугёнига солғай ишқ элин, дерлар,  
Бу сафҳа бемурувватлар китоби — саҳв даъводур.

Езилмиш ояти ишқ ичра тадбири висол андоқ:  
Ки сен ер ошиғисан, етмагунг, кўкда Сурайёдур.

Хирадсизлар у олим Қайсни девона, дермишлар,  
Уни Мажнуни сарсон айлаган пок ишқни Лайлодур.

Муҳаббат бир муаммодурки, билмас булҳавас ошиқ,  
Садоқат бобида, Саид Наби, қалбинг мусаффордур.

## ҲАРГИЗ

Эсингдан чиқмасин, жонона, ҳаргиз,  
Ҳаётинг кўрки у ҳамхона, ҳаргиз.

Бузиб аҳдингни сен ёринг унутсанг,  
Ишонмас сўзингга девона ҳаргиз.

Гўзал бўлган билан ҳар жилвагар тош,  
Садафдек бермагай дурдона ҳаргиз.

Ҳамиша номусу орингни қадр эт,  
Сўзидан қайтмагай мардона ҳаргиз.

Дединг, Саид Наби, аҳду вафодан,  
Эсингдан чиқмасин ул она ҳаргиз.

## ХАТ

Буқун хушнудман, дўстлар, келибдур дилрабодан хат,  
Тузалди хаста кўнглим, чунки бу дорушшифодан хат.

Ҳақиқий дўстликни рамзида содиқ азизлар кўп,  
Сўзи жонларвару ҳар нуктаси шарму ҳаёдан хат.

Сатрларким битибдур хазнаи маъно китобидан,  
Қоғози мушки анбардан, снёҳи тўтиёдан хат.

Дилимда иштиёқи ёр эди оннадек равшан,  
Қуёш нурин сочиб, гўёки йўллабдур самодин хат.

Ажаб мазмуну маъно, мантиқи олий — ғизои руҳ,  
Соғинган дилга малҳам бўлгудек чин ошнодан хат.

Кўзим муштоқ, дил парвонадур шаъми жамолига,  
Мен ҳам гул баргига розим битиб, йўллай сабодан хат.

Азизим, фориг ўлдим хасталикдан, қайта тикландим  
Замонам тинч, эл ободу, яхши муддаодан хат.

Сарафроз айлангиз бир нома бирлан дўстни ҳар дам,  
Ҳамиша яхшилиқни элчиси, нури зиёдан хат.

Муҳаббат бошланур ёшлиқда ҳам бир парча мактубдан,  
Ёзибтур Воқифо, чин дўстлара йўллаб дуодан хат.

## БЎЛОЛМАДИ

Учқун учиб самога Сурайё бўлолмади,  
Урганди тўти сўзу, шакархо бўлолмади.

Наргиз чаманни зеби ўзим деб виқор ила  
Гулгун нигор зулфига зебо бўлолмади.

Қувланди лола тоғ аро кўксида доғ учун,  
Гулга ҳасад қилиб чаманоро бўлолмади.

Лофи муҳаббат урди неча сохта ишқдан,  
Чиқди миси-ю, ошиқи шайдо бўлолмади.

Дарё саёз бўлса унда кема сузмагай,  
Ҳар жилға ёлғиз оқди-ю, дарё бўлолмади.

Кўргин саховатини сен ой ва қуёшни,  
Бир-бирига ўрин бериб, танҳо бўлолмади.

Эй, маърифат тинглагучи, айлагил амал,  
Ойна сирини кўчса мусаффо бўлолмади.

Ҳўл мева узди кимки, шошиб қилди ғўрляк,  
Ҳар қанча қанд қўшди, мураббо бўлолмади.

Ўзгартди меҳнат аҳли ватанни бу кун, қаранг,  
Тақдир зарби унга тақозо бўлолмади.

Воқиф, эл ичра юриб фахр айла бир жаҳон,  
Минг шукрларки, ёлғизу танҳо бўлолмади.

## МУТОЯИБА

Бир чой ичиб кетилсин жонон пиёламиздан,  
Биз ҳам этардик инъом бир даста лоламиздан.

Шайдо<sup>1</sup> эдик ҳамиша биз сизга ғойибона,  
Сўрмоққа журъат этдик бир бўса Воламиздан.<sup>2</sup>

Ҳар учраганда, жонон, юзни буриб ўтарсиз,  
Ҳеч бошқа сўз демайсиз, «қўйинг, уёламиздан...»

Бизни асир этибдур, десам, бу икки кокил,  
Дейсиз: «Яна осилманг ҳар зулфи толамиздан».

Гуллабди боғингизда икки анор, асранг,  
Нам тегмасин мабодо кўз ёшу жоламиздан.

Аҳду вафога лойиқ иффатли, эй нигорим,  
Сиз баҳраманд бўлурсиз меҳри шалоламиздан.

Ёринг ҳали эрур ёш, Воқиф, яна ўкинма,  
Тарбият этса шояд, умид — холамиздан.

---

<sup>1</sup> Вола ва Шайдо достонидаги икки ошиққа ишора.

## БОЗ-БОЗ ҲЛСИН

Тиларман, дилрабо, бир кел, сени умринг дароз ўлсин,  
Кулиб, рухсор очиб кел, кўз қувонсин, сарфароз ўлсин.

Отиб мужгондан ўқлар, ноз ила қошинг қиё қилмай,  
Бирор-бир ишваю ноз айлагин, қўйгин, ароз ўлсин.

Агар раҳм айлабон келмоқчи бўлсанг шомдан сўнг кел,  
Қуёш ҳам кўрмасин ҳаттоки, осмонда тароз ўлсин.

Қурайлик инкимиз, сен суҳбаторо бўл бу гулшанда,  
Ғазалхонлик қилайлик, менда шавқу сенда ноз ўлсин.

Муҳаббат бодасидан косан мақсадга май сундим,  
Дединг, кўп ичма майни, васл чоғи оз-оз ўлсин.

Қўлингга саз олиб сархуш дугоҳ ила шафоат қил,  
Мен айтай бода кайфи бирла, жонон боз-боз ўлсин.

Бу янглиғ ўтса фурсат, Воқифо, жаннат каби бўлгай,  
Ғаниматдур бу дам, жонон, дема сен, эрта ёз ўлсин...

## АНДЕША ҚИЛ

Босмағил гул баргини, гулзордан андеша қил,  
Илкинга санчилмасин, озордан андеша қил.

Гулни гулга, дилни дилга айла пайванд ҳар маҳал,  
Бу мурувват яхшидур, инкордин андеша қил.

Навқиронликда ҳаётингни тадоригини кўр,  
Кексаликда заҳмату озордин андеша қил.

Бўлмагин ҳаргиз падар ранжида, ўз ҳолингга боқ,  
Бу қасоси ҳақ эрур, иқордин андеша қил.

Қўл билан сен қанча урма, заҳм етмас тошга,  
Қалби тош у неча бадкирдордин андеша қил.

Ҳар гиёҳики унар боғ ичра, турли хислати,  
Завқ бермас ул гули беордан андеша қил.

Воқифо, бўлдинг ниҳоят дарду ҳасратдан халос,  
Хайр топгай охири, изҳордин андеша қил.

## УХШАЙ ДЕБ

Безанди гул билан бу янги олам сизга ўхшай деб,  
Қошига ўсма тортар наъматак ҳам сизга ўхшай деб.

Тулин ой тақди маржон бўйнига юлдуз тизимдек,  
Тушолмай ерга бир дам бўлди мулаам сизга ўхшай деб.

Қаро хўзлар қилиб сургун ҳама оҳуни саҳрода,  
У қўриқхоналарда бўлди маҳкам, сизга ўхшай деб.

Лабингдан тўтилар шаккар тилаб келганда ҳиндудан,  
Тушиб Нилга, таҳорат қилди шул дам сизга ўхшай деб.

Баҳор айёми келди сизни қутлаб гул тутиб қўлда,  
Анга файзу жило бўлди мужассам, сизга ўхшай деб.

Асил номини олди мўмиё сабру қаноатдан,  
Шифобахшликда бўлди танга малҳам, сизга ўхшай деб.

Вафо бирлан садоқат илмини сиздан ўқиб Воқиф,  
Варақлар дафтари ишқни дамодам, сизга ўхшай деб.



## ОДОБ АНДА БОР

Ҳар киши иззат топар, ахлоқу одоб унда бор,  
Меҳрибон фарзанд эрур, ота-онага дастиер.

Мўътабар ҳар отанинг фарзандга меҳри тоғ-тоғ,  
Яхши ҳар фарзанд учун бўлсин ҳамияша жон нисор.

Англа, қуш инда не кўрганни одат қилгуси,  
Ҳаққа ёнғоқ изласа, булбулни гулга дарди бор.

Донмо меҳнат билан ўтмоқ чумоли нияти,  
Шул сабаб ҳаргиз муте эрмас бировга, бахтиёр.

Қўнғиз ўз фарзандларини нега оппоғим дегай,  
Меҳр кўзи сездирмагай, гарчи вужуди доғдор.

Ғайринисоний ҳаловатларга ким айлар ружу,  
Хастаю мажруҳ ўлиб, бўлгуси охир бемадор.

Нафс учун олуда қилгай ким ақл доманини,  
Уйла, ҳар соатда бўлгай нафс учун жон беқарор.

Асра умринг хирманини, меваси фарзанд эрур,  
Ҳосили, умрингни сарф этдинг, бўлурму донатор?

Яхшилик бўстонига экдинг ниҳол, Саид Наби,  
Парвариш қилгилки, унсин ғовламай ул мевазор.

## ҲАЖРИНГ ҒАМИДАН

(Макнунадан)

Ҳажринг ғамидан азоб менда,  
Бир парча дили кабоб менда.

Мастоналик этди бизни сархуш,  
Фикрат лабидан шароб менда.

Васлингга етишмоқ иштиёқим,  
Чақмоқ каби зуд шятоб менда.

Ҳар лаҳза варақланур туну кун,  
Утмоқда умр, китоб менда.

Атр ила ифор сочувчи зулфдан,  
Дил бўйнида юз таноб менда.

Ҳижрон ғамидин кўнгилни сўрмоқ  
Эрмас-ку гуноҳ, савоб менда.

Макнуна, бу жабри айрилиқдин  
Икки кўзи ғарқи об менда.

## КҮРГАНДАЙ

Нигоро, гул юзингга мен боқиб дунёни кўргандай,  
Эшитсам бир сўзинг мен булбулигуёни кўргандай.

Висолинг ташнаси дил, оби раҳматдан умидим бор,  
Тўлар қалбим қувончга, ташналар дарёни кўргандай.

Баногоҳ учрасанг йўл устида, ширин каломингдан  
Бўлурман дунёда ҳеч тенги йўқ донони кўргандай.

Кетиб қолди бу кўнглим эргашиб, дилдор, орқангдан,  
Узим қолдим бу йўлда мен шаби ялдони кўргандай.

Соғинсам гоҳ кезиб танҳо хиёбону чаманларни,  
Ва лекин завқ ололмам сен каби раънони кўргандай.

Тилаксиз, орзусиз, Воқифо, ҳаргиз яшаб бўлмас,  
Боқиб дунёга мен тик, янги бир маънони кўргандай.

## НОЗ УЛАШИБСИЗ

Қишни жўнатиб, боққа кириб, ёз улашибсиз,  
Товусни безаб, жилваю пардоз улашибсиз.

Минг ишва билан тебранадур сарву санобар,  
Устоз бўлиб сиз унга ҳам ноз улашибсиз.

Булбул яшиниб уйқуга кетган эди хомуш,  
Сиз уйғотибон завқ ила парвоз улашибсиз.

Гулларга ҳаё дарсини ўргатгани чорлаб,  
Ҳар бирини бошига сарандоз улашибсиз.

Мухлисларингиз доғда қолур таълим ололмай,  
Воқифга атаб таклифи қогоз улашибсиз.

## ПУТУР КЕТСА ҚАЕРДАН

Путур кетса қаердан, тўғри тортмайдур тарозулар,  
Адолат машъали гар тийра, тез тушгай қоронғулар.

Ғариблар ҳолига беҳуда кулганлар недан билсин  
Еғишин бошига минг таънаю дашном, кулгулар.

Бу беш кунлик малоҳат тарк этар охир жамолини,  
Ажин тушгач юзига тебратар бошин суманбўлар.

Вужудинг қалъасин иффат чароғи-ла мунаввар қил,  
Ҳамиша турмагай баҳри муҳит остида инжулар.

Бу бўстон ичра ўсган ҳар гиеҳни турли мазмуни,  
Уни моҳиятини билмаган олмайди дорулар.

Ҳамиша яхши улфат суҳбати минг доридан ортиқ,  
Боқиб тўймас жамолига ҳамиша пок туйғулар.

Малул етса агар чин дўстдан зинҳор қайғурма,  
У душман болидан афзал турур дўст берган оғулар.

Гуноҳингни ювар Воқиф агар узрини дўндирсанг,  
Кечиб ўтган билан олуда бўлмайдур оқар сувлар.

## РОСТДУР

Мен сенга ҳар сўзки айтдим, ростдур,  
Гар амал қилсанг у хайруносдур.

Эй, азизим, тўғрилик олам аро  
Яхши инсонларга лойиқ, хосдур.

Ростлик бирла жаҳон обод ўлур.  
Тўғри сўз тошни кесар, олмосдур.

Сен насаб ажратма гар одам эсанг,  
«Кулли шайин яржиун»га хосдур.

Сўз билан доною нодон фарқ этар.  
Яхши сўз дил яйратар, раққосдур.

Сен саломинг канда қилма хешдан.  
Одамийлик боши пурси-посдур.

Соя бергай тол ҳам, йўқ меваси,  
Мевалик сўз анжир у гилосдур.

Воқифо, илм аҳлига юргин яқин,  
Илм эли гавҳар топар гаввосдур.

## ХАБАР

Эй, субҳнинг шабодаси, келтир нигоримдан хабар,  
Мен йўлида афтодаси, бер гул узоримдан хабар.

Шому саҳар мен зорни, ёди билан беморни,  
Жисмимда захми хорни билмасми боримдан хабар.

Кетди дилим саҳро қилиб, кўз ёшларим дарё қилиб,  
Ғам уйида танҳо қилиб, олмас мзоримдан хабар.

Эй, сарвиқадлар сарвари, кетма ёнимдан ҳеч нари,  
Рашким келур боқса пари, безътиборимдан хабар.

Воқиф мудом айлар дуо, васлингга етмоқ муддао,  
Бир жон эмас, минг жон фидо, топсам баҳоримдан  
хабар.

## ҲАСАД

Одам аҳлини вужуди ичра армондур ҳасад,  
Орзулар чашмасин этгучи яксондур ҳасад.

Гар ҳасад бирла ғараз қон ичра сафро жисм аро,  
Кемирар лоғар<sup>1</sup> вужудинг, мисли кирмондур<sup>2</sup> ҳасад.

Ким ҳасадга мубтало, боғ айласа битмас гиёҳ,  
Эл аро йўқ эътибори, кори нуқсондур ҳасад.

Сўрдим, айтди бир табиб, дарди ҳасаддур бедаво,  
Жирканар ҳатто лаҳад, қабр ичра пинҳондур ҳасад.

Айласа хайру сахо, ҳатто кўролмас ўғлини,  
Бу балойи захм дилда, мисли чипқондур ҳасад.

Билмайин қилса бировга заррача бир яхшилик,  
Уздан нафратланиб қилгай пушаймондур ҳасад.

Воқифо, сен доимо кибру ҳасаддан ор қил,  
Умр гулзорини ҳам этгучи пайҳондур ҳасад.

---

<sup>1</sup> Лоғар — озғин.

<sup>2</sup> Кирмон — қуртлар.



## ЭЙ, ГЎЗАЛ

Бир қиё кўз ташла, дилдор, эй, гўзал,  
Соғиниб икки кўзим зор, эй, гўзал.

Бахтиёр айла мени бир лутф ила,  
Айлайин ишқимни изҳор, эй, гўзал.

Қафт билан бўлмас қуёшни яшириб,  
Тўсмагин юзингни зинҳор, эй, гўзал.

Сен каби бир гавҳарни ноёбин  
Кўрмаган ҳеч қайси бозор, эй, гўзал.

Мақташур эл таърифинг Фарғонада,  
Барча ошиқу харидор, эй, гўзал.

Шамъи рухсоринг кўриб, оташпараст  
Тавба айлаб отди зуннор, эй, гўзал.

Манзилмдур остонанг субҳу шом,  
Бўлмадинг бир дам хабардор, эй, гўзал.

Воқифо, ишқинг, дединг, пинҳона тут,  
Не қилай, ҳажр этди изҳор, эй, гўзал.

## МУҲАББАТДАН ЯРАЛГАН

Азизим, билсангиз, дунё муҳаббатдан яралгандур,  
Тамоми неъматини ашё муҳаббатдан яралгандур.

Муҳаббатсиз кишини дейдилар туфроқ тан олмас,  
Билинг, Одам учун Ҳавво муҳаббатдан яралгандур.

«Насойим-ул муҳаббат»да ёзилмиш ишқ таърифи,  
Этар асрори ғайб огоҳ, муҳаббатдан яралгандур.

Муҳаббат неъматини олий, насиб этганини тарк этмас,  
Масиҳу муслиму тарсо муҳаббатдан яралгандур.

Фидо қилганди жонини шайх Санъон ўтпараст қизга,  
Қилиб бидъатини мустасно, муҳаббатдан яралгандур.

Муҳаббатнинг сулукига киришни ихтиёр этсанг  
Очар дарвозани иншо, муҳаббатдан яралгандур.

Муҳаббат бошқа, ишқ бошқа, ҳавас ҳам орзу бошқа,  
Вафою ваъдасини аъло муҳаббатдан яралгандур.

Муҳаббат жонидан сархуш қил Воқифини, э ёраб,  
Ҳама ажнос ўлиб пайдо муҳаббатдан яралгандур.

## ЭЛ СЕВАР ҲУШЕРНИ

Дейдилар ножинс савдогар бузар бозорни,  
Тўғри тушмас сояси қийшиқ эса деворни.

Неъматни дунёни қадрин бил агар одам эсанг,  
Поймол айлар ҳўкиз кирган замон гулзорни.

Қилмагин ҳаргиз насиҳат қовли йўқ бевурдга,  
Фарқ этолмас завқи йўқ карнай билан сеторни.

Яхшиларни доимо таъқиб этар ножинслар,  
Зоғ айбни ихтарар ул кабки хушрафторни.

Оила, фарзанд, жамият эрур қутлуғ ватан,  
Эл қадрлар элсевар, эл севгувчи ҳушёрни.

Бургут ожиз қолса ундан нотавон чумчуқ кулар,  
Ағдариб бўлмас ҳасад-ла гумбази давворни.

Жамият молига кўз тиккан ҳашаротдан ёмон,  
Чунки кетмон тортадур ўзига хоку хорни.

Воқифо, беҳуда ўткарма бу умринг лаҳзасин,  
Севмагай дерлар худо ҳам танбалу бекорни.

## ЙИҒЛАР

Бу сўзни мен дедим, гар англаса афсона йиғлайдур,  
Тилиб бағрин, қаро зулфга қадалган шона йиғлайдур.

Еритгай ўзга йўлин шаъм, ўз остига нур сочмай,  
Кўриб ушбу саховатни, куйиб парвона йиғлайдур.

Жило топса агар шиша қилур даъвойи гавҳарлик,  
Бу даъводан уёлиб, қадрига дурдона йиғлайдур.

Зарофатни «зари» кетса қолар «офат» ўзи ёлғиз,  
Бу ҳақ гап, зар йўқотган ҳар нечук девона йиғлайдур.

Тушиб қолса агар «чол» нуқтаси «ҳоли» аён ўлғай,  
Бу сирни кексалар билгай, вале ҳамхона йиғлайдур.

Жасад бирла ҳасадни фарқини ажратмаган котиб,  
Унутса нуқталарни, нукталаб пинҳона йиғлайдур.

Эл ичра нуктадонлик истасанг қадрингни бил, Воқиф,  
Бу чархни ҳийласи, кошона ҳам вайрона йиғлайдур.

## ЙИРОҒ ЭТМА

Мени, эй дилбарим, бир лаҳза ёнингдан йироғ этма,  
Солиб бошимга минг савдо, сазовори фироғ этма.

Юзинг нурига бўлдим маҳлиё мен мисли парвона,  
Ки мендан ўзгани зинҳор мафтун чароғ этма.

Ҳамиша тилда зикринг, дилда ишқинг, танда ҳижронинг,  
Илоҳо, ишқ элига раҳм қил, жуфтини тоқ этма.

Яратдинг ою кунни, кечаю кундузни жуфт айлаб,  
Тикандур гулнинг ҳамроҳи, сазовори нифоқ этма.

Ўзинг сероб қил ваҳдат майидан кекса Воқифни,  
Насуҳо тавбасин айлай, ўзинг ғамгин думоғ этма.

## РАФИҚАМ МУАТТАРХОНГА

Сен мени кўнгил чироғим, дилрабо аввалгидек,  
Меҳри рухсоринг дилимга жо-бажо аввалгидек.

Кексалтик чоғимда сирдошим ўшал ёшлик каби,  
Меҳрибон, ҳамдарду содиқ ошно аввалгидек.

Бирга чекдик иккимиз шодлик, аламлик дамларин,  
Ўтса ҳам ёшлик, гўзалсан, сержило аввалгидек.

Бу умр отлиғ йўлакка бирга қурдик ошён,  
Сен вазири аъзамим, мен подшо аввалгидек.

Меҳр бердинг барча фарзандларга қалбинг қўридан,  
Барчаси ширинсухан, бу муддао аввалгидек.

Гоҳ кетардим мен сафарга, сенга қалбимни қўйиб,  
Энди эрмасман йироқда мосуво, аввалгидек.

Сен каби меҳмоннавозу дўстпарвар кам бўлур,  
Ёришар чеҳранг кўриб, обу ҳаво аввалгидек.

Кекса Воқифни худойим қилмасин сендан жудо,  
Ҳожийи Фирдавси аъло, мен ризо аввалгидек.

## ФАРЗАНДИ АРЖУМАНДЛАРИМГА

Мувашшаҳи ширу шакар

### САИД АЛИХОНГА

Саодат дафтарини аввалида нуриҳақ аъло,  
Адаб доирасидан чиқса ким йўқ, унга истисно.

Итоат айламоқ яхши фазилят ҳукми волидга,  
Далоил шарҳидур, равнақ топар дунёни мафиҳо.

Адашган кимсага йўл кўрсатиш роҳи ҳақиқатдан,  
Либоси кўҳна бирлан камситилмас оқилу доно.

Иложи ҳар касални суҳбати доно билан топгай,  
Хуш он бошадки, нутқи гавҳараш гўё масеҳ афзо.

Олиб ибрат кўзинг оч, Воқифо, фарзоналар кетди,  
Надомат чекмагил, дунёда қолмас ҳеч киши танҳо.

\* \* \*

Сайқал берингки, боғи мурувват нишонадур,  
Авлоду дўсту ёру муҳаббат нишонадур.

## МУЪТАБАРХОНГА

Меҳринг мисоли оташ эрур, чекма изтироб,  
Ут ёқмайин қачон киши манзур этар кабоб.

То ҳасти мезбони падар дилпазирбош,  
Аз ҳоли мо хабар бигирн ту ҳасти офтоб.

Бебаҳра қолма, эй кўнгил, олам ҳаводиси  
Ақли расога хуш турур танбур ила рубоб.

Равшантараст шаб чу маро, гар хуш ин рузгор,  
Хоҳиш маро шаробу муҳаббат, ҳамин савоб.

Оҳишта наҳ қадамки, замин аст жойи мост,  
Носоз гар қўйилса қадам, унга бор жавоб.

Ганжи муродсиз менга, фарзанди солиҳим,  
Воқиф бўлайки боғи муродимга етмасин сароб.

\* \* \*

Сайқал берингки, боғи мурувват нишонадур,  
Авлоду дўсту ёру муҳаббат нишонадур.



## САИД ВАЛИХОНГА

Спеҳринг пок ўлиб, ҳар субҳу шоминг офтоб ўлсин,  
Анга соянг бўлиб сажжода, понинг узра хоб ўлсин.

Ироқ тутмай ҳамиша лутфу эҳсонини ҳақ сендан,  
Дамодам чокаринг бахт бўлсини, коринг савоб ўлсин.

Васе бўлган билан олам, ажаб турли эрур одам,  
Адашма ҳақ йўлидан, маҳраминг олижаноб ўлсин.

Лаб очсанг дур сочарсан, сўзларинг қадри баланд  
дурдан,  
Илоҳи ҳамма фарзандинг ўзинг янглиғ шаҳоб ўлсин.

Худони ваъдаси ҳақ, яхши хулқлар — жаннати дёрлар,  
Отанг доим дуода, тонг-ла юзинг офтоб ўлсин.

Агар оқил эсанг бир хил меҳр қўй барча фарзандга,  
Улар қилса дуо шояд, савоби беҳисоб ўлсин.

Нажотини тилаб доим дуо қил кекса Воқифни,  
Гузаргоҳда, умидим бор, дуойинг мустажоб ўлсин.

\* \* \*

Сайқал берингки, боғи мурувват нишонадур,  
Авлоду дўсту ёру муҳаббат нишонадур.

## САИД ҒАНИХОНГА

Созингни чал, насими саҳар, навбаҳор келди,  
Айёми гул ўйнатиб гул илкида, ёр келди.

Имлаб қуёшни аста сайёралар самодан,  
Дил розини демоққа сафда қатор келди.

Ғоратгар аст ташвиши дунёу хониводи,  
Аз сози хуш тарона дилро ба кор келди.

Носиҳ насиҳати ту таъсир наёфт бархеш,  
Ин оташики бетафт, дилро дучор келди.

Ҳар ёнга ташла назар, умидсиз эрмас олам,  
Оқили расога хуш сифат сабру қарор келди.

Нозик зрур қўнгилки, қувонса жилло топар,  
Гардуни дун вафосизу, касби қимор келди.

Андиша мулки ичра ҳокимлик истар эрсанг,  
Алданма, Воқифо, сен, ғайбдин мадор келди.

• • •

Сайқал беринги, боғи мурувват нишонадур,  
Авлоду дўсту ёру муҳаббат нишонадур.

## САИД АҲМАДХОНГА

Сен, болам, икки жаҳон хор ўлмагин,  
Аҳли солиҳсан, дилозор ўлмагин.

Истасанг душман сенга бўлсин муте,  
Дўсту душмандан қасоскор ўлмагин.

Аҳли борлар тилни айлар эҳтиёт,  
Хору хасдан гул умидвор ўлмагин.

Моуманилик, эй ўғил, иблисга хос,  
Аҳли кибрларга жиловдор ўлмагин.

Дон сочар доно киши дон олгали,  
Хомтаъма айёр ила ёр ўлмагин.

Олийҳимматсан, саховатпешасан,  
Норасолар бирла ҳамкор ўлмагин.

Гул юзинг кўрган киши қилсин ҳавас,  
Аста сўзла, феъли кўп тор ўлмагин.

Мен сени айлай дуо шому саҳар,  
Воқиф, ул икки жаҳон зор ўлмагин.

• • •

Сайқал берингки, боғи мурувват нишонадур,  
Авлоду дўсту ёру муҳаббат нишонадур.

## СУРАЙЕХОНГА

Сени кўргач фалак узра Сурайё аста қўзгалди,  
У, сендан ийманиб, пардоз ила ораста қўзгалди.

Рукобини тутиб қилди дуо кўрганда ҳулкарлар,  
Ажаб моҳи мунаввар деб, тутиб гулдаста, қўзгалди.

Емон кўз тегмасини деб бахтни ёвар айладим сенга,  
Еғилсин нури ҳақ бошинг уза, пайваста қўзгалди.

Ҳалоли луқмаин моро ҳама зоҳид ҳавас дорад,  
Илоё айюҳассоқи сўзи ҳар касда қўзгалди.

Надими он касам бедор бошад субҳи содиқро,  
Илоҳий ҳукмига айлаб сужуд, нораства қўзгалди.

Менга тангрим ато этмиш ажаб бир бонуи иффаг,  
Гадои хоки пойи бош эғиб бирпасда қўзгалди.

Асо илгинга берди давр зулмидан этиб Воқиф,  
Яна вайроналар обод ўлиб, барваста қўзгалди.

• • •

Сайқал берингки, боғи мурувват нишонадур,  
Авлоду дўсту ёру муҳаббат нишонадур.

## РАЪНОХОНГА

Ростин десам чаманни ҳеч раъноси сенча йўқ,  
Ақли расо ўзинг, бўлак доноси сенча йўқ.

Нури жаҳон ўзинг менга, мисли қуёшсан,  
Оламнинг барча зийнати ороси сенча йўқ.

Хандон отиб кулишларинг мисли шалоладек,  
Озода ҳам пазандаю зебоси сенча йўқ.

Ноз ўрганар қошингга келиб ҳинду қизлари,  
Гуллар маликаси ўзинг, аълоси сенча йўқ.

Ахлоқу илму маърифату кимё ўзинг,  
Воқиф кўзига бори таманноси сенча йўқ.

\* \* \*

Сайқал беринги, боги мурувват нишонадур,  
Авлоду дўсту ёру муҳаббат нишонадур.

## МУХАММАС

Бил, эй, фарзанд, умр бу олий исъмаг,  
Отанг бирлан онангни бил ғапимат,  
Қариганда уларга айла шафқат,  
Улар нуқсонингни айтганда ҳар вақт  
Қулоқ солсанг бўлур бу катта ҳурмат.

Қишига келтирур бахт сабру бардош,  
Қаноатни ўзинга айла йўлдош.  
Ема бир луқма ҳам сен таъналик ош,  
Бирор муфлисга зинҳор эгмагин бош,  
Солур қалбга жароҳат, танга иллат.

Агар муҳтож эмассан, қарз олма,  
Ҳасад бирла ғаразни дилга солма,  
Ҳамиша эл билан бўл, четда қолма,  
Адашсанг тўғри йўл сўргил, уёлма.  
Саховат, камтариқлик тожи давлат.

Агар меҳмонга борсанг иззатинг бил,  
Кўзинг бирла тилингни эҳтиёт қил,  
Мудом бир хилда бўлсин тил билан дил,  
Ўзингни душманингдур ўйнаган тил,  
Ўзин қадрини билмоқ яхши хислат.

Айирма элни сен яхши-ёмонга,  
Итоат қил яшаб турган замонга,  
Десанг ўқ бўлмайин эгри камонга,  
Эгилма қийшайиб сен бир томонга,  
Самимий дўст топгил, айла улфат.

Узингдан катталарга берма дашном,  
Бўлур андишасиз эл ичра бадном,  
Киши орастаю бўлса саранжом  
Назардан қолмагай, бу катта инъом,  
Ҳалолдур меҳнати-ла топса шуҳрат.

Ақл сайқалталабдур, чархлатиб тур,  
Ақлга эҳтиёт сезмас такаббур,  
Ақлли дўст билан дўст элга манзур,  
Ақллилар қилур оламни маъмур,  
Ақл бор жойда бўлмас зарра ғийбат.

Асабни асрагил, Воқиф, жиловлаб,  
Ғазаб отига занжир сол тушовлаб,  
Киши саъй этса олгай ганж кавлаб,  
Такаббурлик ёмондур кетса ғовлаб,  
Назардан қолса ким эл ичра — даҳшат.

## МУХАММАСИ ВОҚИФ

Замон ташвишлари жонимга тегди, жон қийналди,  
Қасофат босди юртни, ўксибон виждон қийналди,  
Шариат топталиб, номус кетиб, имон қийналди,  
Ҳақиқат бўлди сургун, топмайин имкон қийналди,  
Бу етмиш йил ичида пок ҳар инсон қийналди.

Ҳалол ила ҳаромни фарқини ажратмайин қолдик,  
Қуриб қолди ариқлар, сувсираб саҳро каби толдик,  
Гўдакларни заҳарлаб, соф ҳавога огулар солдик,  
Муте эрдик бировга, гул экиб ердан тикан олдик,  
Фалакка чиқди оҳи халқни, минг армон қийналди.

Уғиллар отасини сенсираб, қилмаслар андиша,  
Туғишганлар бўлиб бегона, шафқат қолмади хеша,  
Отин ўзгартди Маҳмуд, яхши бу деб қўйдилар Миша,  
Хотинлар биз улур деб эр бошида ўйнатар теша,  
Бу янглиғ беҳаёликни кўриб тўфон қийналди.

Сотилди неча пасткаш дину имонин ютиб бунда,  
Билимдонлар отилди, нечаси муз қотди сургунда,  
Китобларни ёқиб куйдирдилар, недур гуноҳ унда,  
Унутдик ўз тилу тарихимизни ул қаро кунда,  
Масжидлар ўрнига артел қилиб, шайтон қийналди.

Аазим, эй, жафокаш халқ, бардошингга минг таҳсин,  
Чиқармай ичга ютдинг, кўздаги ёшингга минг таҳсин,  
Фуруринг бор экан, ҳеч элмаган бошингга минг таҳсин,  
Сенга ҳамфикр Турон аҳли, сафдошингга минг таҳсин,  
Тамагнару ҳасадгўйлар дили вайрон, қийналди.



Шукрим, тавбамиз мақбули даргоҳ ўлди албатта,  
Ғанимлар ожизу бекурду гумроҳ ўлди албатта,  
Неча миллат, златлар бизга дилхоҳ ўлди албатта,  
Чўзиб қўл, яхши ният бирла ҳамроҳ ўлди албатта,  
Бу юртни тозалашга саъй этиб аркон қийналди.

Шукрим, мустақилликни насиб этди худо, Воқиф,  
Қуёш борича турсин, айлагин доим дуо, Воқиф,  
Йўқолди бошимиздан юртни бездирган бало, Воқиф,  
Ҳама шукрона бирлан айлагай ҳамду сано, Воқиф,  
Бу бахтни ўлчамоққа ҳар нечук мезон қийналди.

## ЧАРХИНИ ХОТИРЛАБ

(М а р с и я)

Юз бирла юз куришмай кетдинг қаён, Чархий,  
Тарк айладинг жаҳонни ошмай давон, Чархий,  
Шеър аҳли ичра эрдинг таъби равон, Чархий,  
Ҳар сатринг ичра пинҳон маъни чунон, Чархий,  
Қалбингда кетди, афсус, дурри ниҳон, Чархий,  
Халқ шоирию устод, мўъжаз баён Чархий.

Озода хуштабиат, ҳаттоти қил қалам ҳам,  
Хулқинг тиниқ мисоли гулгунча узра шабнам,  
Таъби салими ўткир, жўшқин мисоли Зам-зам,  
Кетдинг Қўқонни ташлаб, дўстларни дийдаси нам,  
Йиғлар қалам-ла дастгоҳ, ҳоли аён, Чархий,  
Халқ шоирию устод, мўъжаз баён Чархий.

Бир неча йил Муқимий уйини айлаб обод,  
Тўплаб асарларини руҳини айладинг шод,  
Воқиф менга тахаллус, сен бизга бўлдинг устод,  
Афсус, кўролмадинг сен ушбу Ватанни озод,  
Қийдинг сафар либосин, кетдинг қаён, Чархий?  
Халқ шоирию устод, мўъжаз баён Чархий.

Тушди қалам қўлингдан, ширин мақол қолди,  
Шеър аҳли тишлаб илкин ҳайрону лол қолди,  
Сендан бу элга мерос фазлу камол қолди,  
Илми арузда сендек устод оз қолди,  
Воқифга чин мураббий, пири гарон, Чархий,  
Халқ шоирию дилкаш, мўъжаз баён Чархий.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Сумбули зулфинг тутиб ўйнашгали ҳар он сабо,  
Чарх уриб бошинг уза, минг эврилиб сарсон сабо,  
Лутф этиб боқ, бўлмасин ул маҳруми имкон сабо,  
Эй юзинг гулбаргига ошуфтаю ҳайрон сабо,  
Телбалардек гулшани кўйингда саргардон сабо.

Субҳи содиқ нолаини гулфом уйғонмоқлиги,  
Жомаини феруза, гул қонила булғанмоқлиги,  
Ўтга тушган қил каби ҳар лаҳза тўлғанмоқлиги,  
Қўпмоғи мумкин эмасдур, балки тебранмоқлиги,  
Топмаса жонбахш лаълинг нуқтасидин жон, сабо.

Руҳим истайди жисм зиндонида бир алъамон,  
Тарк қилмай руҳ қўрғонинг безатгил беэиён,  
Руҳ кетгач, беркилур дарвозани тан шул замон,  
Пора-пора жисм аро оҳим нетиб қолгай ниҳон,  
Бўлмак имкон йўқ хасу хошок аро линҳон, сабо.

Во дарифо, ўтди умр, лабда табассум, кўзда ёш,  
Ўзлигим топмоқ учун етмиш йил ўткардик маош,  
Эй, вужудим, топдинг истиқлол, кўтаргил, эгма бош,  
Ердни келди сабо кеч келмакин айларга фои,  
Кўнглим ичра тез қилди шуълаи ҳижрон сабо.

Гул вужудига тикон маҳрамлиги мумкун эмас,  
Ошиқ аҳтин кўзлари бенамлиги мумкун эмас,  
Субҳ бирла шомни бир дамлиги мумкун эмас,  
Лола руҳлар аҳдини маҳкамлиги мумкун эмас,  
Собит ўлмоқ лаҳзае бир ерда не имкон, сабо.

Воқифо, дунё аруси зебу зийнатла базеб,  
Журъат этмас ишқ парисига қуюн солмоққа дев,  
Чунки ушшоқ аҳлини ному муроди тарки рев,  
Тонг эмас солса Навоий оҳи кўингда гирев  
Чун гулистон сайрига воҳир қилур афғон сабо.

## НАВОИИ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Дилбар етишиб расо бўлибдур,  
Оини ани вафо бўлибдур,  
Ишқи бу кўнгилга жо бўлибдур,  
Кўзинг не бало, қаро бўлибдур,  
Қим жонга қаро бало бўлибдур.

Кўзимни ғубору гард қилдинг,  
Юзимни ғамингда зард қилдинг,  
Жисмимни мисоли нард қилдинг,  
Мажмуи давони дард қилдинг,  
Дардингни менга даво бўлибдур.

Бир ишваси миғг дардга дармон,  
Ул мисли Масеҳ бахш этар жон,  
Ҳам кони малоҳату суҳандон,  
Ишқ ичра ани фидоси юз жон,  
Ҳар жонки анга фидо бўлибдур.

Елғиз тилагим ул маҳлиқодан,  
Дил узмаса биздек мубталодан,  
Ишқида ҳақиру бенаводан,  
Бегона бўлибдур ошнодан,  
Бегонага ошно бўлибдур.

Иқлими суҳанда нуктадоним,  
Басдур сенга берган имтихоним,  
Бир лутф ила қил баланд маконим,  
То қилди юзинг ҳавоси жоним,  
Юз сори анга ҳаво бўлибдур.

Ким тортса ёридин жафони  
Васлига етишгай ошнони,  
Гарчи бўладур одам макони,  
Боқий топар улки, бўлди фоний,  
Раҳравга фано бақо бўлибдур.

Лаззатли эрур бағояти ишқ,  
Дунё кезадур ҳикояти ишқ,  
Воқифга етиб иноятти ишқ,  
То тузди Навоий ояти ишқ,  
Ишқ аҳли анга наво бўлибдур.

## НАВОИИ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Лаъл тожинг бўлиб ул боғда бўстон афрӯз.  
Соф эрур обу ҳаво, дардга давои Наврӯз,  
Барча пок ўлғусидур авфу атойи Наврӯз,  
Эй, юзинг боғи насмида ҳавойи Наврӯз,  
Лаъл тожинг булиб ул боғда бўстон афрӯз.

Кўзу дидоринг очиб дил оламин биткурсанг,  
Лаҳза меҳр ила боқиб сина ғамин кеткурсанг,  
Лутф ила боди саҳар маҳвашима айт, кўрсанг,  
Зулфи рухсор ила комимга мени еткурсанг,  
Ҳар тунинг қадр ўлибон, ҳар кунинг ўлсин Наврӯз.

Ул матоеки, сенга пешрави бозор ўлмиш,  
Барча жондин кечибон унга харидор ўлмиш,  
Сени рухсоринг учун барча гул аттор ўлмиш,  
Кўнглим ул лўъбати илгинда гирифтор ўлмиш,  
Қушни ул навъики лаб аҳли қилур дастомуз.

Найлайин, етди букун заҳм пару болимга,  
Қўнимим йўқ мени, душман кулар аҳволимга,  
Утди афсус ила умр муҳтож ўлиб золимга,  
Дарди ҳажрингда куяр кўнглиму ўз ҳолимга,  
Кишисизликдин ўзимдурман ўзимга дилсўз.

Бу жаҳон кўрди неча Қоруну Ҳотамларни,  
Дол қилди қаддини маҳвашу там-тамларни,  
Синдуриб отди ажал жомини кўп жомларни,  
Даҳр Золига кўнгил бермаки, Рустамларни  
Макр ила айлади ожиз бу ситамкори ажуз.

Оҳким, ишқ элига ҳамдам эрур дарди фироқ,  
Бу не савдоки, кўнгил берганимиз кетди йироқ,  
Бу йироқлик этажак хаста вужудимни тароқ,  
Кўк жафосидин ўлур хобгоҳим бўзтуфроқ,  
Бўлса остинда спехр ашҳаби янглиғ кўк бўл.

Минг надоматки, ўтиб кетди у Бадрлар даври,<sup>1</sup>  
Воқифо, даҳрни ҳам лутфига ўхшар жаври,  
Сен оёқ остига боқ, қайда мақоми сабри,  
Эй Навоий, сену Хисрав билла Жомий таври,  
Санъату рангии қўй, сўзда керак дард ила сўз.

---

<sup>1</sup> Уч Бадр: Бадриддин Ҳилолий, Бадриддин Чочий ва Бадриддин Шервонийга ишора.



## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Эҳтиёт бўлгилки, ҳар суҳбатда лодон бўлмасин,  
Сендан айру, эй қуёш, бир лаҳза ҳижрон бўлмасин,  
Умр ўтказгилки, сен ўлмакка имкон бўлмасин,  
Сенсизин, эй умр, бир соат менга жон бўлмасин,  
Сен бўлу, бас, тўбини фирдавси ризвон бўлмасин.

Истасанг, эй дил, бориб, майхонадин ахтар мени,  
Бодайи гулфом тут, ҳажр илгидин қутқар мени,  
Бош эгиб айлай руку, сен қилмагин музтар мени,  
Қошинга қилгач сужуд ўлтирди ул кофар мени,  
Ҳеч мўъмин ёри, ёраб, номусулмон бўлмасин.

Бу нечук атвори олам, боқмайин айлар ситез,  
Ваҳмдин пешонам узра тер қуйилмиш рез-рез,  
Бир кўнгилда ишқию ҳижрони бўлмишдир эгиз,  
Эй кўнгил, масте чиқиб шаҳр ичра солмиш рустахез,  
Ваҳ, хабар тутким, бизинг бебоку нодон бўлмасин.

Қулбангга келгай эмиш дардингга дармон, воқиф ўл,  
Барча ағерим этиб бу йўлда ҳайрон, воқиф ўл,  
Шукрим, бўлмиш насиб қайтмас бу имкон, воқиф ўл,  
Ул пари кўнглингда меҳмон бўлмиш, эй жон, воқиф ўл,  
Оҳ ўти дуд этмасун, заҳм ила пайкон бўлмасун.

Воқифо, ёнига боргил, сажда қил, дам урмагин,  
Илтижо бирла дедим, ҳажр илкидин қутқармагин,  
Сўнг тутиб илқин, кўзимга сургин они тирногин,  
Дедиким, жон бер, доғи ўпгил ағрим туфроғин,  
Эй Навоий, тезроқ бўлким, пушаймон бўлмасин.

## АМИРИЯ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Мен кечарман изтироби нишқ пинҳон кечаси,  
Остонаиғ узра мен чоки гирибон кечаси,  
Сен нечун ағёр ила хуршеди рахшон кечаси,  
Базмдин бепарда чиқ зинҳор жопон кечаси,  
Оразниғдин бурқа оч, эй моҳитобон, кечаси.

Қоматим пун айлади икки қошиғни ёси ҳам,  
Гул юзиниғ ҳажрида сарғармиш чаман ороси ҳам,  
Оҳ бемор айлади, найлай, кўзиниғ шаҳлоси ҳам,  
Кўнглимини ошуфтаҳол айлар сочиниғ савдоси ҳам,  
Сумбулинги қилмагил, эй гул, паришон кечаси.

Эй пари, рухсори олинги ниҳон тут халқдин,  
Зоҳир этма кимсага, болиғ ниҳон тут халқдин,  
Дил қуши сайд ўлди, ҳолинги ниҳон тут халқдин,  
Меҳрибоним, сен жамолинги ниҳон тут халқдин,  
Шам янглиғ дийдаларин қилма тирён кечаси.

Ухламас ушшоқ эли истаб савоби зулфидин,  
Мушк қадри синди тушгач қатра оби зулфидин,  
Шаҳр аро қўзғалди гавго инқилоби зулфидин,  
Ламаъи рухсори зоҳирдур ниқоби зулфидин,  
Гарчи бўлмайдур қуёш чиқмоққа имкон кечаси.

Сўзлариниғ олдида топмас қадр уммон гаяҳари,  
Сен жаҳон яктосию гулчеҳраларини сарвари,  
Ногаҳон очсанг жамолинга боқур ёшу қари,  
Кундузи ҳарчанд пинҳонсан кўзимдан, эй пари,  
Ой юзинги мен ғарибдан қилма пинҳон кечаси.

Орзуйим шулдирки, сен дилдор бирла май ичиб,  
Хушласам дердим сенингдек ёр бирла май ичиб,  
Тобакай аҳдинг бузиб, бсор бирла май ичиб,  
Субҳдин то шом сан агёр бирла май ичиб,  
Мен қилурман кўзларимдан гавҳар афшон кечаси.

Куйдилар ушшоқ эли оташ забоним ўтидан,  
Уртанур жисмим ёниб сирри ниҳоним ўтидан,  
Дашту саҳро лалазор ўлди баёним ўтидан,  
Сурмасо бахтим қаро бўлди фиғоним ўтидан,  
Элга кўпроқ зоҳир ўлди лек афгон кечаси.

Мен адолат-ла бу элга ёр эдим, айдим Амир,  
Ҳамдамим Нодира, хушгуфтор эдим, айдим Амир,  
Воқиф ул Фарғонада сардор эдим, айдим Амир,  
Дунки давлат жомидин саршор эдим, айдим Амир,  
Кўрдиму бу айшин Дорюк Хоқон кечаси.

## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Бу оқшом ою йилга доя Наврӯз,  
Бўлиб тун бирла кун ҳамсоя, Наврӯз,  
Кетиргай бахтдин сармоя Наврӯз,  
Баланд айлаб қуёшга поя, Наврӯз,  
Кўтарди ер юзидин соя Наврӯз.

Безаб ерни наботу айш бирлан,  
Тўлиб гулшан бисоту айш бирлан,  
Бўлиб мамнун ҳаёту айш бирлан,  
Қилиб файзу пашоту айш бирлан,  
Муҳайё қилди элга воя, Наврӯз.

Улашди мустақиллик бахту толе,  
Кўпайсин деб яна халқ молу ҳоли,  
Қадалди ерга эл ризқи ҳалоли,  
Тараб тифлин туғурди даҳр золи,  
Анга берди магарким доя, Наврӯз.

Табассум-ла очиб толе кўзини,  
Намоён айлади ҳикмат ўзини,  
Безаб бахмал билла тоғу тузини,  
Қилибдур маҳлиқоларни юзини,  
Латофат мусхафига оя, Наврӯз.

Ҳамал киргач кетиб ердан рутубат,  
Бериб оро ўзига моҳи талъат,  
Ўзаллар кўрсатиб анвои санъат,  
Кийиб аҳли ғизо юз ранг хилъат,  
Тўла бошдин-аёқ пероя, Наврӯз.

Боболар бойчечакни кўзга сурта,  
Дуоини хайр бирла тўлди ўрта,  
Дегайлар бахт бер, ё раб, бу юрта,  
Ҳама ушлаб олиб қўлда юмурта,  
Менинг илгимда йўқдур ҳоя, Наврӯз.

Улуғдур лутфу даргоҳи сахийни,  
Очибдур хазнаин олий раҳини,  
Умид эт, Воқифо, ҳақ дарғаҳини,  
Ки шояд ўзгалардек Огаҳийни  
Тарабнок айлагай беғоя Наврӯз.

## ОҒАҲИЯ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Кўнгил, кеч бейболар бирла энди истиқоматдин,  
Десанг фориг бўлай, тортгил тилигини турли иллатдин,  
Дам урма норасолар базмида одобу санъатдин,  
Жунун даштида қочма, эй кўнгил, санги маломатдин,  
Ки бу водийга кирган юз эвурмас ҳеч офатдин.

Қўлингдан келса қилгил марҳамат бахтиқароларга,  
Ҳамиша айла улфат ўзни сен ақли расоларга,  
Баландпарвоз бўлма, учмагин кибру ҳаволарга,  
Агар ошиқ эсанг сабр айла шиддатлик балоларга,  
Ки ишқ ичра қутилмоқ мумкин эрмас ранжу меҳнатдин.

Қўлингдан берма иззатни, совурма мардлик фаҳрин,  
Писанд этма агар миннатли бўлса хазнаи баҳрин,  
Ҳижолат айлама ҳақ сўзлаганни келтириб қаҳрин,  
Ичирса соқийи даврон агар нокомлиғ заҳрин,  
Эр эрсанг они ширин англа шаҳд омиз шарбатдин.

Тила даргоҳи ҳақдин эл учун бахту саодатни,  
Узинг ҳам пок тан бўл, айлагил шукри саломатни,  
Хиёнат айлама, топширмоғинг бордур ямонатни,  
Сипар қил бошинга бу рамзгоҳ ичра қаноатни,  
Агар мақтул бўлмоқ истамассан тийғи иллатдин.

Босиб оҳишта ҳўй доим қадам яхши, ёмон ичра,  
Ки юз йил ётса ҳам дур, зангламас оби равон ичра,  
Садафдек пок тут эл меҳрини бу жисму жон ичра,  
Ривож истар эсанг мақбул ўлиб аҳли жаҳон ичра,  
Дегил сўз борҳо фиску фужуру айшу ишратдин.

Агарчи косада май турмаса не айб кулолида,  
Ҳамиша қадру қийматдур баланд шарму ҳаёлида,  
Ҳақиқат сўзлагани баъзи бу, дер, лоуболида,  
Десаиғ хор ўлмайин, мардуд ўлиб даҳр аҳли оллида,  
Дами сўз очмағил кайфияти гўри қиёматдин.

Такаббур кўкка боқғай, ерни кўрмас мисли лайлакдек,  
Заиф айлар вужудин, заҳри ғийбат асли тарякдек,  
Вафо майдонида саргашта эрмас от кўппакдек,  
Баҳойим янглиғ эт қорнинг четан бўйпингни чўпчакдек,  
Тилар эрсаиғ агар инъоми нофир аҳли неъматдин.

Садаф янглиғ бўлиб дарёйи меҳр ичра гуҳар сочсанг,  
Дами умрингни қайтармас агар оламга зар сочсанг,  
Ки маъни ғазпасидан ранж ила ўлмас асар сочсанг,  
Агар ширин сўзингдан даҳр аро юз минг шакар сочсанг,  
Ани заҳр айлагай бир талхи нукта аҳли ғийбатдин.

Ҳақиқат излабон оламини кездим печа йил ҳар сў,  
Бўлиб Воқиф ҳамиша ҳашрниғ зиндонидин қайғу,  
Илоҳо бу мусибатдан ўзинг озод эт манғу,  
Агарчи Оғаҳий, дўзах ўти муҳрукдурур асру,  
Вале йўқ бир шарарча оташи сўзони фурқатдин.

## АВАЗ УТАР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Эй, тонг саҳар эсгучи саболар,  
Дилдорима еткуринг дуолар,  
Бир келсин ўшал кўзи қаролар,  
Мендин хабар олмас ошнолар,  
Бегона мисоли бевафолар.

Сенга гўзалим сирин аёнман,  
Ҳолимни демоққа безабонман,  
Йўлингда губори пойин жонман,  
Ҳижрон аро зору нотавонман,  
Тортиб печани ила наволар.

Васлингни мен ихтиёр қилдим,  
Топмоққа сени қарор қилдим,  
Сарфин ҳамма йўқу бор қилдим,  
Жонимни фидойин ёр қилдим,  
Ишқ ичра чекиб туман жафолар.

Сумбул сочинг атрига бу жон сарф,  
Бир ишваю нозингга жаҳон сарф,  
Йўлингда бу умри жовидон сарф,  
Молимни йўлингда айлабон сарф,  
Мендан ҳазар этгуси гадолар.

Кексайди деманг асолигимдин,  
Боис анга қоши ёлигимдин,  
Гул ишқида хуш наволигимдин,  
Ноконм ўлиб норасолигимдин,  
Мақсудга етди норасолар.



Арзимни кима дегум сенсиз,  
Оқ ила ўтар куним сенсиз,  
Фарёдки, чархи шум сенсиз,  
Ҳар лаҳза қилур ҳужум сенсиз,  
Бошимга фироқ аро балолар.

Ҳақдин менга бир иноят ўлса,  
Толе қуши ром шояд ўлса,  
Воқиф, сенга шукр қаноат ўлса,  
Кош эрди агар ижобат ўлса,  
Басдур Аваз айлаган дуолар.

## ЧУСТИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Сузиб юрса агар хошок, эмас оби зилол айби,  
Агар вақтида қирқиб турмаса ортар сакол айби.  
Дилинг хумдониди сўзни пишит, бўлмай кулол айби,  
Ҳамиша мевасизлик соя солган бирла тол айби,  
Фаришта бўлса ҳам манзур эмас бўлса хиёл айби

Киши аччиқни чайнаб сўнг йўталгай, бу табинийдур,  
Киши меҳнат-ла толмас, ғамла толгай, бу табинийдур.  
Ширин суҳбатли доно ғам битиргай, бу табинийдур,  
Шамол тингач, дарахт бошин кўтаргай, бу табинийдур,  
Бошин ҳам қилгучи беҳуда ҳовлиққан шамол айби.

Бошинг гар бўлса маъно хазнаси беҳуда гап қўшма,  
Сухан заргарларин қошида сен зарга садаф қўшма,  
Тўқиб зардан либос, зартоладан, зарга канаф қўшма,  
Агар минг лаззати бўлсин, сўзинга лоф-қоф қўшма,  
Шакар олуида бўлганда билингай элга бол айби.

Ўруш-арқоғи мустаҳкам мато аъло тўқулғуси,  
Тикан ёстиққа беркинса ахир бир кун суқулғуси.  
Маломат ила бўҳтон ортсаким фил ҳам букулғуси,  
Камол «кофи» тушиб қолса ўқишда «мол» ўкулғуси,  
Бу нуқсон оми котибдан эрур, эрмас Камол айби.

Биров жон куйдириб кўрсатса йўл сен юрмагин тўғда,  
Ҳама гулзор аро сайр этса сен ин қурма янтоғда.  
Не мўъжаз борлигин билсанг эди бу она туфроғда,  
Неча бор қолди сувдан, қолди меҳрингдан йироқ боғда,  
Нега барг бермадинг дейсан, недур, айтгиня ниҳол айби.

Ҳама ғамларни бойлаб терисин шилганга ўхшайсан,  
Бошингдан жумла ташвишларни гум қилганга  
ўхшайсан.

На кечгай эрта ҳолинг, фол очиб билганга ўхшайсан,  
Уйингда олам-олам ишни ҳал қилганга ўхшайсан,  
Қуруқ гердайтириб қўйган сени у хом хаёл айби.

Санарсан ўзни доно маърифат қулфини очмасдан,  
Утиб кетгунг жаҳондан кибр ила, пойингни ечмасдан,  
Сени кўрган кишини ҳеч иложи йўқ қочмасдан,  
Ўгит дурдонасин пинҳон этиб ёшларга сочмасдан,  
Ўуриб беҳуда умрин ўтказувчи баъзи чол айби.

Эдинг Воқифга устози мураттаб беназир, Чустий,  
Асил зуккойи олим, зуллисонайн, кони сир, Чустий,  
Ғазаалга янги маъно бахш этиб қилдинг асир, Чустий,  
Қалай ҳолинг, дегайсан деб, нечи йил мунтазир Чустий,  
Юзига рост айтгил не эрур бундай увол айби.

## ЧАРХИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Дўст топмоқ истасанг, қалбга ҳамоҳанг тор топ,  
Мақсадинг пок айла, жонпарвар, яқин ҳамкор топ,  
Ҳамфикр, содиқ, вафоли дўсти беозор топ,  
Келдинг оламга нишонанг қолгудек бир кор топ,  
Яхши хислатлар билан йўл кезмогинг даркор топ.

Баски, тақдири азал ҳар кимга бермиш ихтиёр,  
Ихтиёрим бор деб ҳар ишга қилма эътибор.  
Қоқилур ҳар ерда кимни ноаниқ рафтори бор,  
Кезма эгри йўлни ҳаргиз, ҳар одим озори бор,  
Тарк этиб расво қадамни тўғри бир рафтор топ.

Тингламас ким тонгда булбулнинг ширин овозини,  
Беҳунар, танбал кишининг эл кўтармас нозини,  
Ким эшитгай бетайин, безавқларнинг созини,  
Ҳар нечук безавқларга айтма кўнгил розини,  
Бир аянч ҳолинг билувчи маҳрами асрор топ.

Ҳирси дунё, умри зоишларга майлинг бўлмасин,  
Лоф урар, ўзига қойилларга майлинг бўлмасин,  
Нурдан бебаҳра, ғофилларга майлинг бўлмасин,  
Нафс деб ишратга мойилларга майлинг бўлмасин,  
Ўзи ғафлатдин йироқ айлаб дили бедор топ.

Улфатинг гар норасо, заҳм этса фарёд айлама,  
Беадаб, нопоклар базмини сен ёд айлама,  
Одамийликдин кечиб наслинга иснод айлама,  
Сен ёмонга ёндашиб, номусни барбод айлама,  
Бир қадам ҳам қўйсанг, айтай, рост дўсту ёр топ.

Мойил этсин доимо ҳар кимни яхши хислатинг,  
Сўзлаганда рост сўзла, қўлда бўлсин ҳужжатинг,  
Тақлид этма ўзга элга ўзбек эрса миллатинг,  
Тансияҳатлик шукрини қилгил кучаймай иллатинг,  
Чора истаб қайда малҳам бўлса, билсанг, бор, топ.

Не кечар ҳолинг назарга илмасанг эл ҳурматин,  
Якка қолгунг элдан ажраб билмасанг эл ҳурматин,  
Кексалар олдида жавраб, шилмасанг эл ҳурматин,  
Келмасанг инсофга ҳаргиз, қилмасанг эл ҳурматин,  
Осғали нафси бадингни бир баландроқ дор топ.

Шошмайин мақсад сари юр, яхшиларга эргашиб,  
Чўлу саҳроларни бўстон этди, кўр, эл бирлашиб,  
Воҳифо, ибрат-ла боқ даврон элига ёндашиб,  
Тоқай аччиқ сўз-ла юрсин чархи гардундан ошиб,  
Ишқ девонни ўқиб сен ҳам ширини гуфтор топ.

## ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Гар туширса нуқтасин «нун» ҳарфи мазмуи айланур,  
Ошса миқдор, эй табиб, қотилга маъжун айланур,  
Қўқин белбоғига боқ, турли, гуно-гун айланур,  
Токи ўз меҳваридин бул чархи гардун айланур,  
Вақту соат ўзгариб, кундуз билан тун айланур.

Гоҳи ҳолин билмайин ўз роҳидан чиқса қадам,  
Тўғри йўл кўрсатгали бошини айларлар қалам,  
Бош олиб кетса вужудинг тарк этиб лутфу карам,  
Ўзгарур меҳру муҳаббат, ўзгарур дарду алам,  
Ўзгарур шаҳду итоб, ошкору макнун айланур.

Шоҳу олиму фақир қолмас абад, бил, эй, ҳабиб,  
Мезбонлик расмида ким устувор ўлса лабиб,  
Оқибат ўту суву туфроқ, ҳавога айланиб,  
Неки тинглай бу жаҳонда, унга ўлмоқдур насиб,  
Чарх уриб лош устина шул лаҳза қузғун айланур.

Севги асрорини мен ушшоқ элидин ўрганиб,  
Нашъани васлинг шаробин ичмадим бир дам қониб,  
Гоҳ лоғар жисми вайроним ҳароратда ёниб,  
Гоҳ висолу, гоҳ фироқинг ўртасида ўртаниб,  
Қалбим ичра ишқ деган туғёнли мазмуи айланур.

Васлига шукр этмаган ҳажр илкида маҳкум эрур,  
Чархин ҳам агёрдек бахти қарою шум эрур,  
Сўрмадинг ҳолимини, жоно, гарчи бу маълум эрур,  
Сухбатингда бир нафас бўлмоқ буюк орзум эрур,  
Бу жасорат қошида минг битта мажнун айланур.

Дол ўлур шаҳду шакар лаб очганингда ҳар сўза,  
Меҳр уммонини жо айлаб ўзинг икки кўза,  
Кўз очиб сен лолалар сочдинг яна тоғу туза,  
Икки сочингким, уриб тўлқин оқар елкан уза,  
Бирда Сайҳун мавж этиб, ул бирда Жайҳун айланур.

Ишқ девонин ўқиб шарҳини мен этсам баён,  
Ишқ эли ҳою ҳавас билмас, недур суду зиён,  
Мақсадим—курсам жамолинг гўшасида ошён,  
Кўзларимда бу жаҳоннинг кўрки яққолдур аён,  
Шул сабаб дунё ўзи бошимда мафтун айланур.

Номинг, эй, дилбар, ёзилмиш ишқ элин туморида,  
Бўлди таърифинг чаманда андалиб гуфторида,  
Воқифо, мадҳини куйла ёрни дил торнда,  
Сен омон бўл, сен абад бўл бул жаҳон гулзорида,  
Боқиншингдан боғ ўзи минг рангда гулгун айланур.

## ЖОНИБЕК СУБХОН ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Аёғимни этик гар сиқса бир дам,  
Жаҳонни кенглигини менга не ғам,  
Баробар хас билан гул узра шабнам,  
Дегайлар асли дунёни бири кам,  
Бирида чўғ, кўзини ўзгасида нам.

Жаҳонга йиғлабси келдинг кулиб боқ,  
Булут нам тўкмаса унмайди янтоқ,  
Ҳамиша дўстга оч қалбингни қайноқ,  
Умр ўтмоқдадур дўстларга муштоқ,  
Қачон кўрдинг, дилим, дўст даврасин жаъм.

Ширин суҳбатни дил истайди дўстга,  
На хислат борини билсайди дўстга,  
Кўнгил розини у битсайди дўстга,  
Юрак амри мудом қистайди дўстга,  
Бироқ дўстларни ҳар ён сачратур ғам.

Ғаразли дўстдан илқинида тут печ,  
Дегайлар баъзан дўстини баҳридан кеч,  
Муаммо бўлса у дўст, ақл ила еч,  
Бирор дўстдан садоқат кутмадим ҳеч,  
У деб битсам-да ёниб мисли бир шаъм.

Яқин дўстдур давоси хаста жонни,  
Ким айтар дўст деб, асрори ниҳонни,  
Очиб тут, Воқифо, маъданини — конни,  
Ками-кўсти учун балким жаҳонни  
Яралгандур ямоққа Жонибек ҳам.



## МУХАММАС

Қадам қўй, Ўзбекистон, ҳар қадамингда зафар бўлсин,  
Бу истиқлол ила бахту саодат ҳамсафар бўлсин,  
Ватанни тоши ишжу бўлсину туфроғи зар бўлсин,  
Қуёш тарк этмасин ўзбек дийрин, бехатар бўлсин,  
Берайлик қўлни қўлга, фитначилар кўру кар бўлсин.

Кўрарсиз бўлгуси дунёда янги Осиё марказ,  
Егилгай нури ҳақ, албатта бўлгай пурзиё марказ,  
Муборак сенга энди бахту толе, раҳнамо марказ,  
Ҳудудинг маҳкам эт, зимдан кузатгай беҳаё «марказ»,  
Бу бўстони Эрам Шарқ ичра бир олтин камар бўлсин.

Бу юрт алломалар, соҳибқирон мардоналар юрти,  
Тамоми илму ҳикматда етук фарзоналар юрти,  
Фаробию Алишерни яратган оналар юрти,  
Муқаддас халқимиз, чин турк эли афсоналар юрти,  
Ёзинг тарихини, авлод учун ўлмас асар бўлсин.

Муборак, Шарқнинг порлоқ машъали, озодлик сенга,  
Тилинг бурро, йўлинг порлоқ, тамоми шодлик сенга,  
Қадимий қалъаларни тиклагин, ободлик сенга,  
Тилайди қўл очиб Воқиф, ҳама бунёдлик сенга,  
Таваллудинг муборак, доим умринг бехатар бўлсин.

## ҲАЁТ

(М у с а д д а с)

Бўлмади барпо ўзича бизга бу бахтлиқ ҳаёт,  
Дўстлик рамзида пайдо бўлди лаззатлик ҳаёт,  
Қимқи ажралмас бу элдан, топди иззатлик ҳаёт,  
Қадр билмас ҳеч киши кўрмай машаққатлик ҳаёт,  
Қим ҳаёт-ла ҳамнафас, йўқ унда миннатлик ҳаёт,  
Утмасин беҳуда фурсат, бизга қийматлик ҳаёт.

Тер тўкиб меҳнат қилурлар она туфроғига эл,  
Гул экиб ардоқлагайлар юртни ҳар боғига эл,  
Меҳр рамзини яшнатар ҳар гулни яфроғига эл,  
Сезмасин ҳаргиз тикан заҳминни тирпоғига эл,  
Пахта бирла донг таратдик, бўлди қудратлик ҳаёт,  
Барчасига тинчлиғу дўстлик, салобатлик ҳаёт.

Гар севад бўлсанг ҳаётни, элни сев, ижод қил,  
Яхшилардан бизга қолган бу Ватан, обод қил.  
Сен кўчат экинги авайлаб, мевасин бунёд қил,  
Бу сифат халқ сенга раҳмат дер, ўзингни шод қил,  
Кўрмайин десанг тирикликда уқубатлик ҳаёт,  
Барчага ўрпақ бўлиб, ўтказгини ибратлик ҳаёт.

Истагим шулдир, замондошим, қадинг ҳам бўлмасин  
Шухратинг тутса жаҳонни, ҳеч сафинг кам бўлмасин,  
Қим деса фарзандларимнинг дидаси нам бўлмасин,  
Яхши ният ёр бўлсин, асло мулзам бўлмасин,  
Умрида Воқиф каби сурсин муҳаббатлик ҳаёт  
Хонадон ободу шириндур фазилатлик ҳаёт.

## ИСТИҚЛОЛ МУҲАММАСИ

Сени мадҳингни куйлай мен, қадрдон, ҳур диёримсан,  
Ҳаётим равнақисан, бахтиёр ўлкам, баҳоримсан,  
Сени жондан севарман, шону шавкат, ифтихоримсан,  
Шараф-шон сенга бўлсин, ўзбегимсан, пахтакоримсан,  
Муҳаббат масканисен, сулҳпарвар, жонажон ўлкам.

Неча авлод ўтиб, бахтингни кўрмоқ орзу қилди,  
Муродига етолмай ўтди, Фурқат бағрини тилди,  
Иўлингда қанча жон қурбон бўлишни фахр деб билди,  
Адолат бошингга овозлик байроғини илди,  
Асоратдан қутулган меҳри дарё, меҳрибон ўлкам.

Қаро кунларни солмоқ истаган душманга от сурдинг,  
Ҳасадгўй, фитнапарварлар йўқолди, кунда барқ урдинг,  
Худойим берди оқил раҳнамо, сен илгари юрдинг,  
Илиқ меҳринг билан сен маънавий жон бахш этиб

турдинг,

Бало гирдобини даф айлаган чин паҳлавон ўлкам.

Боболар ҳурмати, то танда жон бор, сенга содиқмиз,  
Сени ҳар бир сиқим хокингни биз асрашга лойиқмиз,  
Ҳама Турон халқи бир тану жон, бир халойиқмиз,  
Жаҳонда истаган тинчликни бир муддаоликмиз,  
Яшардинг қайтадан, кўз тегмасин, эй навқирон ўлкам.

Муборак, Ўзбекистон, осмон авжида парвозинг,  
Муборак сенга истиқлол, баландроқ янгрисин созинг,  
Қуёш нури ҳаминша норласин, қишу баҳор, ёзинг,  
Жаҳоний анжуманда бўлди мақбул ул хуш овозинг,  
Ўзинг Шарқ гавҳари, Воқиф учун нури жаҳон ўлкам.

## ҲАСРАТ

Жилмайиб шиша ичидан гоҳ шитоб этди ароқ,  
Сўнгра зимдан кўп жиноятга итоб этди ароқ,  
Ақлдан бегона айлаб, изтироб этди ароқ,  
Шод эрдим, ғамни кунжида хароб этди ароқ,  
Пардаи исматни йиртиб, беҳижоб этди ароқ.

Юз грамм курсам югурдим, шунчалар беор эдим,  
Роҳатим кетди, дарнго, кечалар бедор эдим,  
Қувдилар ишани, пулим йўқ, юз граммга зор эдим,  
Ойламдан кетди роҳат, кимса боқмас, хор эдим,  
Қолмади оғзимда тиш, йўлим сароб этди ароқ.

Мансабим бор эрди ул вақт, кўп эди кибру ҳаво,  
Еш эдим мағрурликдан, юз грамм эрди даво,  
Қалтирар қўл ичмасам, лаблар кесак, етмас ҳаво,  
Охири бўйнимга мишди шиша янглиғ бедаво,  
Минг бало, дардин танимга беҳисоб этди ароқ.

Яхшилар доим насихат айлар ўз аҳбобига,  
Ичмагил, ҳушёр бўл, тушма бало гирдобига,  
Йўлга солса, ўйнатар расво қилиб ҳар бобига,  
Қолмади, Саид Наби, тобим унинг зардобига,  
Қанчали инсон деган номга нобоп этди ароқ.

## ПУЛ ҰЛСИН

(Чархйй газалига мухаммас)

Муича кибру хаволар, пул ўлсин-а, пул ўлсин,  
Пулдан чиқар низолар, пул ўлсин-а, пул ўлсин,  
Оқил бўлур аъмолар, пул ўлсин-а, пул ўлсин,  
Пул деб оқар дарёлар, пул ўлсин-а, пул ўлсин,  
Ағдар-тўнтар дунёлар, пул ўлсин-а, пул ўлсин.

Пули борга олам кенг, пулсиннинг бахти қаро,  
Пул ўртага тушган чоғ дўстандани кечар ошно,  
Ҳатто туришган жигар пул деб қилур можаро,  
Қўлга келтирган дунё усти асилдир, аммо  
Таъми заққум ҳалволар, пул ўлсин-а, пул ўлсин.

Пул бўлмаса, эй ошна, туз ҳам тушмас ошингга,  
Пули кўплар боқарлар аввал усту бошингга,  
Пулнинг йўқ, юзинг совуқ, келмас ҳеч ким қошингга,  
Назар солмай ёшингга, чиқиб олиб бошингга,  
Солар не-не савдолар, пул ўлсин-а, пул ўлсин.

Пул бўлмаса ҳаттоки ҳаммомда кетмас киринг,  
Пулсиз ўқимас дуо, қорини минг қидиринг,  
Озроқ қистирган замон тиржайар ҳиринг-ҳиринг,  
Дунё ҳаром деганини дардидир мулло жиринг,  
Кумушқубба асолар, пул ўлсин-а, пул ўлсин.

Пулнинг йўқми, жим ўлтир, боролмайсан узоққа,  
Пулсиз бўлсанг қоларсан масхараю мазоққа,  
Жилпанглама, эй жонон, ўхшаб думсиз бузоққа,  
Кетолмасдан узоққа, пул деб тушар тузоққа,  
Енгил-елли «Лайло»лар, пул ўлсин-а, пул ўлсин.

Оз бўлса ҳам ҳалол пул гард юқтирмас виждонга,  
Меҳнатсиз топилган пул тиҷлик бермайди жонга,  
Ушшамангиз, эй ёшлар, баъзи енгил, подонга,  
Учиб ёлғон виждонга, тушар аблаҳ инсонга,  
Нозик адо шаҳлолар, пул ўлсин-а, пул ўлсин.

Пул бўлмаса тўйларда чалинмайди ногора,  
Пул йўқми — битмас ишинг, ҳеч бўлмагин овора,  
Ҳатто хотин кўтармас бепул тугун-тоғора,  
Сен эмас, пулинг даркор, эй соддадил бечора,  
Дардинг тошар даволар, пул ўлсин-а, пул ўлсин.

Қош ўйнатар жилпанглаб, қистиргучи кўп бўлса,  
Ялла янграр пулга бол, қистиргучи кўп бўлса,  
Чўнтак тўлгач излар қоп, қистиргучи кўп бўлса,  
Буни ташлаб унга чоп, қистиргучи кўп бўлса,  
Эй отарчи гадолар, пул ўлсин-а, пул ўлсин.

Ҳатто бермайди пулсиз бир отим нос носфуруш,  
Пул бўлмаса ёнингда, хотин қилади уриш,  
Пул қидирар баъзилар, пулдан мақсад қаср қуриш.  
Ултиролмай хотиржам, пул дардида югуриш,  
Кўп хуржунсиз гадолар, пул ўлсин-а, пул ўлсин.

Оз бўлса ҳам саз бўлсин, аммо пулсиз бўлмайди,  
Пулга тузоқ қўйганин охир бахти кулмайди,  
Барибир, Саид Наби, пулсиз кўнгил тўлмайди,  
Пулсиз ҳаёт бўлмайди, аммо хуржун тўлмайди,  
Чархий ёзар иншолар, пул ўлсин-а, пул ўлсин.

## ФИРИБ

Шайхликни қилди даъво, лек дастори фириб,  
Айлагай ваъзу насиҳат, нолау зори фириб,  
Зоҳиран ундан ҳалол йўқ, эрмиш агъри фириб,  
Ришван макруҳдан олган сохта тумори фириб,  
Сочу тириогигача макр-ҳийлаю бори фириб,  
Ушлаган тасбеҳию бўйида зуннори фириб.

Ул қиёматдан сўз очса ваъда айлар жаннати,  
Унга иблис ҳамтовоқ, йўлдан урувчи улфати,  
Тиржаяр тушса иона, хуштабиат суҳбати,  
Шул қадар юмшоқсупурги бу текки пул иллоти,  
Барча ёш соқоллиларга ул қадрдош, ҳурмати,  
Қилмиши найрангу ҳийла, юрса рафтори фириб.

Маърифат қилса қўшиб ёлғонга кийдиргай чопон,  
Уни қилганини қилганлар топиб минг бир зиён,  
Бўлдилар фосиқтабиат, баъзиси бўлди пиён,  
Нияти букри валекин, сурати ҳазрат миён,  
Муттаҳамлик бобида гўёки «меҳробдан чаён»,  
Хизрни Қосим деди, қандай бу беори фириб.

Маккага текки бориб лўли-ла бўлди саллалик,  
Минг икки юз долларин қарз берди содда маккалик,  
Ортидан истаб келувди, қочди мисли ҳаққадек,  
Муттаҳамликда шерик Равшан деган хум каллалик,  
Уртада Саид Наби бечорага шармандалик,  
Пулни ярмин бермади ул муттаҳам қори фириб.

Ер бағир қийшиқ нигоҳ айлар қаламқош учраса,  
Четга сургай бу савоб, деб, йўлда бир тош учраса,  
Панд бериб олгай супургисини фаррош учраса,  
Алдабон симини олгай гар сичёғоч учраса,  
Воқифо, туфла бетига сенга у лош учраса,  
Чунки иблисга мурид эркан ўшал қори фириб.

## ПОКЛИК

Сув билан аёлни пок этган худо,  
Иккисин булғайди баъзи беҳаё.  
Болалар — отасиз, сув бўлди — нопок,  
Бепарво ўтамиз боқмасдан қиё.  
Саҳрода изғиган қуюн мисоли  
Умри қисқалигин биларми рўё.  
Шукрим, дунёмас холи поклардан,  
Бўлмаса тарк айлар жаҳонни энё.  
Қуёшдек нур сочсин яхшилар, Воқиф,  
Покиза зотларга мишг ҳамду сано.



## НОН

Айрим умумий овқатланиш корхоналарида  
ва баъзи хонадонларда халқнинг ризқ-рўзи  
булган ноннинг кўлаб исроф қилинишига йўл  
кўйилмоқда.

*(Газетхонлар хабари)*

Нега нон увоғин тўқасан бепарқ,  
Шу увоқ деб қанча тер тўкди деҳқон.  
Шу нон деб қанчалар дарбадар кезган,  
Нонда қанча сир бор, у тутар пинҳон,  
Бир дона буғдойни экиб ундирган  
Не-не машаққатлар чекиб миришкор,  
Билсайди ҳар кимса, уни тўйдирган  
Нондай азиз қалбга бермасди озор.  
Бағрини ўтга бериб нон ёлган нонвой  
Бир нони тушганда ўксиганин кўр.  
Султонлар нон дея улоқиб Шарқдан  
Қанча қон тўкканин сен тарихдан сўр.  
Қутайба арабин ташлаб у ёқдан  
Нон деб қилмадимиз фотеҳлик даъво,  
Фиръавнлар эҳромин устида турган,  
Ҳар мрамар ўзинча бўлмади бию,  
Еш гўдак илк бор кирганда тилга  
Авалло она-ю, сўнгра нон деркан,  
Ҳар бир оч киши, бил, бир қоп олтин-зар —  
Ўрнига бир бурда нонга жон деркан,  
Қуршовда қолганда не-не шаҳарлар  
Уларни парча нон ҳимоя қилган.

Билар нон қадрини, негаки нон ҳам  
Мардлар жони каби кўп азиз бўлган.  
Элда бир мақол бор, маъмуни шундай:  
«Бели оғримаснинг нон ейишин кўр».  
Ортиқча ҳар бурда нонни тежаган  
Кишига дегаймиз балли, ташаккур.  
Нонни кўзга суртинг, замондошларим,  
Деймиз-ку, нон каби азиз бу Ватан,  
Панду насихатдан дастурхон ёздим,  
Мен ўша қадоққўл бободехқонман.

## ЯНА НОН ҲАҚИДА

Инсон яралгандан то шу дамгача  
Нондан азизроқ бир неъмат топмаган.  
Оналар бормикан ҳеч хонадонда —  
Утга бағрин бериб бир нон ёпмаган.  
Эй, сен, кўҳна тарих, муқаддас дунё,  
Бизга гувоҳлик бер нон таърифидан,  
Ривоят, афсона нон шаънига кўп,  
Ҳаёт равнақи ҳам нон ташрифидан,  
Дерларким, Шарқда бир улуғ файласуф  
Борарди туяда биёбон томон.  
Белбоғин ечганда, билмади, афсус,  
Ерга тушиб кетди ундан қатра нон.  
У туядан тушиб, ҳарчанд қидирмиш,  
Топмагач увоқдан ҳеч ному шишон,  
Нуроний чеҳрада ёғилиб ташвиш  
Атрофин ахтарар, қийналар виждон.  
Гўё у қилгандай гуноҳи азим  
Увоқ тушган ерга кўп қилмиш таъзим,  
Топталмасин деб у мўъжиза увоқ,  
Атрофин ўрабди қуриб катта боғ,  
Увоқ тушган ерга олий кошона  
Эмиш файласуфдан қолган нишона.  
Нон деб жаннатни ҳам тарк этмиш одам,  
Бугдойда — мўъжиза, санъатни кўриб.  
Келтириб яратмиш янги бир олам,  
Ердаги истиқбол, жаннатни қуриб.  
Бу гўё мантиқдан йироқ афсона,  
Унда бор қатран оддий ҳақиқат.  
Нон тўкин хонадон мисли нурхона,

Бу азиз замин ҳам нон билан жаънат,  
Ердан бугдой униб, нон бўлгангача  
Неча заҳматкашнинг меҳнатин кўрган  
Дехқону тегирмон то нонвойгача  
Бир жаҳон йўл босиб, бизга ризқ бўлган.  
Кўчада кетарди бир кекса мажруҳ,  
Кўрди нон бурдасин ерда ётганин.  
Тўё у топгандай бир ғизои руҳ,  
Дарҳол олиб ўпди пуфлаб нон чангин.  
Чолга дашном берар икки башанг ёш,  
Ҳаёт сабоғидан беҳабар, бебош.  
Чол деди уларга: «Хомсиз, пишарсиз,  
Ҳаёт ўргатади, пастга тушарсиз».  
Азизлар, сақланнинг ўту оловдан,  
Демишлар, нон афзал мингта паловдан.  
Нонсиз боқмас ҳеч ким кимхобу зарга,  
Нон билан кўрклидур маърака, бозор.  
Лекин баъзилар бор, у кимўзарга  
Неъматин олийини кўп қилурлар хор.  
Афсуски, тўйлардан қолган нонлар хор,  
Ҳайвонга берарлар емай, қилиб ор.  
Ошхонада кўрдим бир бадмаст сатаинг  
Қўл, оғзин артганин нон билан, қаранг.  
Нонни раижитганга нон ҳам қасоскор,  
Қадрига етмасни бир кун қилур хор.  
Ким исроф этаркан бир бурда нонни,  
У қадрин билмагай виждонни, жонни.  
Ҳаёт неъматин ким қиларкан исроф,  
Замона атагай уни ноинсоф.  
Нонга ҳурматсизлик қабоҳат, гуноҳ,  
Беқадр қилганлар топмаслар паноҳ.  
Шу муқаддас она-Ватан ҳурмати,  
Нонни эъзозланг, у замин неъматини.

## АЛЛАЁРОН

Ургут шаҳрига яқинлашганингиз сари Аллаёрон тоғи гўё сизга таъзим қилиб, сизни уёқлардан қарши олаётганга ўхшайди.

Яшил либос кийган, эй мағрур қоя,  
Осмони фалакка етгудай бошинг.  
Ургут воҳасига сен солиб соя,  
Нуҳ тўфонин кўрган, улуғдир ёшинг.  
Инқилоб аталмиш ҳув машъум тўзон  
Қанча бўстонларинг қилди поймол.  
Ўлуғ алломалар бўлиб қатағон  
Истиқлолни қўмсаб, топдилар завол.  
Хожалар масканин майхона қилиб,  
Кофирлар булғатди зилол булоғинг.  
Кўкнорн экдилар бағрингни тилиб,  
Қотилга айланди азиз туфроғинг.  
Хожаи Чорчинор, муаззам маскан,  
Унда ором олар шайх Қутби илоҳ,  
Хожа Абутолиб Сармастга<sup>1</sup> Ватан,  
Амир зиёратга келган бу даргоҳ.  
Амир Темур қурган Боғи Дилкушо  
Ҳамон кутмоқдадир соҳибқиронни.  
Тарихнинг қаъридан келар бир нидо,  
Эслатиб дунёга машҳур инсонни.  
Аллаёрон, бир зум мозийни унут,  
Назар сол уйғониб гўзал воҳага,

---

<sup>1</sup> Хожа Абутолиб Сармаст — Қутайба билан келган саҳобалардан бири.

Етар, сен бир аср сақладинг сукут,  
Истиқлол чек қўйди тоғлар оҳига.  
Тўпхонада янграб карнай навоси,  
Истиқлолни қарши олмоқда баҳор.  
Келмоқда шаҳидлар руҳин садоси,  
Қайтадан қадр топди табаррук диёр,  
Тингла, Аллаёрон, отлар гусурин,  
Қайтмоқда Дилкушо боғига Амир.  
Соғиниб оромгоҳ, азиз чаманин  
Энди қолса керак бунда бир умр.

## МУРАББАЪ

Куйдирма жоним, ўргилай нозу фироғдан,  
Бир бўса ҳадя қил менга, жонон, яноғдан,  
Жабринг ҳисоби беадад, қолдим саноғдан,  
Қутқар мени, ўзинг солиб қўйган тузоғдан.

Қам бўлмагай давлатинг бир бор қараш билан,  
Баҳс айлагин гоҳи очиб юз, қуёш билан,  
Остонангга эгиб бошим кўзда ёш билан,  
Қолмай эшикда сарғайиб, жой бер қучоғдан.

Жонона, кел мен билан бир сайри боғ қил,  
Агёр элини йиғлатиб, бағрини доғ қил,  
Не кечди ҳолим, айтайин, мендан сўроғ қил,  
Бахтим қушини ҳайдама қошу қобоғдан.

Келтирди гул қучоғида наврўз сен учун,  
Гар хоҳласанг олиб берай юлдуз сен учун,  
Воқиф дуода кечаю кундуз сен учун,  
Бирпас ёнингда ўлтирай, толдим аёғдан.

## РУБОИИ ВА ТҶРТЛИҚЛАР

Одамга кўрк эрур ҳусн ила либос,  
Аммо инсон учун одамийлик хос.  
Асли либос эмас, улуғдир одам,  
Одамлигини билиб, сўнгра қўй ихлос.

\* \* \*

Ҳар кимсаки меҳнат била мумтоз бўлибдур,  
Илмсизлар ўқиб, нечага устоз бўлибдур.  
Аччиқ сўз ила оқил эсанг бузма асабини-  
Ким лафзи ширин, шаънига пардоз бўлибдур.

\* \* \*

Машаққатсиз топиб, гар берсангиз ош,  
Қилур фарзандингизни анча бебош.  
Ҳаёт мактабидан этинг хабардор,  
Охири афсус-ла эгилмасин бош.

\* \* \*

Кўнгил тан мулкига мутлақ ҳокиммиш,  
Виждон бу ҳокимлик мулкига посбон.  
Ножўя амр этса ҳоким посбонга,  
Иккиси ажралур, бўлурлар қурбон.

\* \* \*

Эй, дўстлар, сиз бодадин парҳез тутинг,  
Сиз шаръий қилиб, косан қирмиз тутинг.  
Маъзур тутингки, ташнаман, тез тутинг,  
Сиз менга шифо учун қимиз тутинг.



\* \* \*

Кўчатни эккач, сўнг парвариш лозим,  
Умид ундан мева билан сояси.  
Кимки ҳаётига бефарқ қараса,  
Бўлмас у ҳаётнинг мазмун, ғояси.

\* \* \*

Ота — бу улуғ зот, билсанг минг қадар,  
Отасиз туғилмас шоҳ ҳам дарбадар.  
Она ҳам муқаддас, жонбахш бир сиймо,  
Она-ер, маҳсулдор, табиат — падар.

\* \* \*

Қилиб сен яхшилик, зинҳор унутгил,  
Дилингдан таъна илдизин қуритгил.  
Йўлингни тўсганида кибр, оташ,  
Босиб туфроқ аро, тезда чиритгил.

\* \* \*

Қўлингдан келмаса яхшилик, э ёр,  
Ёмонлик соғинма бировга зинҳор.  
Ғийбатдан тилни тий, бўлма мунофиқ,  
Дейдилар, деворда ҳатто қулоқ бор.

\* \* \*

Эй тил, мени бир дўсти ёмоним сен-сен,  
Дил хазнасидан дурфишоним сен-сен.  
Сен ҳақни дегил, маломати элни дема,  
Йўқ эрса, вужуди нотавоним сен-сен.

\* \* \*

Гулга ошиқлигим бир ҳавас эмас,  
Мен унинг шайдоси, ҳар тонг кўрсам, бас.  
Ғанимат ҳар ғунча, абадий эмас,  
Баҳордай умр ҳам ўтар бир нафас.

\* \* \*

Сенсиз яшамасми жумлаи жаҳон,  
Мағрурлик не учун, мансабинг бир он.  
Қўлингга бермишлар адл тарозисин,  
Босмагин посанги емаган томон.

\* \* \*

Қаерни кўрдинг, деб қилдилар сўроқ.  
Кездим мен Афғону Арабу Ироқ.  
Ҳар доим мен бирлан қалбимда юрди  
Шу она-Ватандан бир сиқим туфроқ.

\* \* \*

Муфлисдан қилгувча бир луқма тама  
Бир умр очликда ўтгил бетама.  
Ҳарна боришг ҳадя қилсанг элингга,  
Зинҳор сахийман деб ўзинг мақтама.

\* \* \*

Жоҳил баҳс бошласа сен сақла сукут,  
Бир томчи сиркадан ачир анча сут.  
Эшак мунчоқ ичра қўшилса ёқут  
Қадри пасаяди, доим эсда тут.

\* \* \*

Дилимда на кибру, на ҳавас пайдо,  
Бўлмадим давлату амалга шайдо.  
Имон Ватанда-ю, эътиқод дилда,  
Бундан ҳам олийроқ мукофот қайда.

\* \* \*

Инсонсан, бу яхши, энди одам бўл,  
Уч ишга ружу қил, доим ҳамдам бўл.  
Рухий, ақлий, жисмоний тарбиядан  
Комил инсон бўлсанг ҳам элдан кам бўл.

\* \* \*

Бетамиз инсонда бўлмас ҳис-туйғу,  
Ҳиссиэ инсон билмас шодлик, на қайғу.  
Сезмас яхши, ёмон, иссиқ, совуқни,  
Ундайлардан ҳатто жирканар оғу.

\* \* \*

Қуламан фалакдан порозилардан,  
Ер қўрқар ришвахўр у қозилардан.  
Ҳамма бидъат ишни қилган ўзлари —  
Палласи тешилган тарозилардан.

\* \* \*

Усту боши башанг, қалб эса нопок,  
Зоҳидсифат, ўзи дилни қилур чок.  
Сийрати ялтироқ қуртни эслатар,  
Ҳасад жисмин этар кемириб ҳалок.

\* \* \*

Қабристонга кириб ибрат билан боқ,  
Қалбинга шукрона чароғини ёқ.  
Сен ҳам шу туфроқнинг оқил меваси.  
Абадият шунда, маъносини чақ.

\* \* \*

Бу кўҳна саройга кўп келгай меҳмон,  
Икки дарвозаси очиқ ҳар замон.  
Биридан кирганимиз пок ва бегуноҳ,  
Ҳушёр бўл, кетарда кетмасин имон.

\* \* \*

Етмиш йил ўт ичра ёнганда жисмин,  
Уша Саид Наби, ўзгармас исмин.  
Минг шукр, таъмасиз ўтказдим умр,  
Қасбу ҳунар қилдим, покликдур расмин.

## ФАРДЛАР

Уз қадрин йўқотса ҳар қайси инсон  
Барча хазинаси кетгандан ёмон.

\* \* \*

Бевафодур ҳирс қўйилган молу мулк,  
Барчасидан аъло эрур яхши хулқ.

\* \* \*

Энг олий неъматдур инсонга соғлиқ,  
Уни асрамоқлик ўзингга боғлиқ.

\* \* \*

Гўшт билан ширага ўч бўлар ари,  
Юрганинг яхшироқ сен ундан нари.

\* \* \*

Хотининг бўлса ҳам шоҳга арзанда,  
Бўлмагин ҳеч маҳал сен унга банда.

\* \* \*

Ҳаддидан ошади гар ўсса тирноқ,  
Кирга тўлмасидан қирққан яхшироқ.

\* \* \*

Минг бор берганда ҳам шишага пардоз,  
Олмасу гавҳардек тополмас эъвоз.

Қамиш минг гердайсин, танаси бўшдир,  
Қамиша заҳда хору, бўйрапўшдир.

\* \* \*

Отага тезласа ўғилни она,  
Ўғлига жабр этиб, қилур бегона.

\* \* \*

Қоғоз пул бўлса ҳам қанча қимматлик,  
Дуру жавоҳирдек эмас иззатлик.

\* \* \*

Қуёш яшнатгандек барча оламни  
Донолик улуғлар номин одамни.

\* \* \*

Қўнгил истагини бажармай туриб,  
Ақлингдан маслаҳат олгин ўлтириб.

\* \* \*

Тўрт ҳарфда ёзилур ёмону яхши,  
Улардан қай бири ҳаётнинг нақши?

## МУНДАРИЖА

Дунёдан огоҳлик бахти . . . . .	3
Савоб эса . . . . .	7
Ажаб эрмас . . . . .	8
Ажаб дунё . . . . .	9
Эй қуёш . . . . .	10
Қаерда . . . . .	11
Топилса . . . . .	12
Бордай . . . . .	13
Ургансам . . . . .	14
Улмагай . . . . .	15
Миннатли дарёдан . . . . .	16
Сахрога айлангай . . . . .	17
Лабингдан . . . . .	18
Садқа . . . . .	19
Еру ҳамдамим . . . . .	20
Дарак . . . . .	21
Оллоҳ дегайман . . . . .	22
Уйғотгил . . . . .	23
Лафзи шакарим бор . . . . .	24
Келди баҳор қайтиб . . . . .	25
Тўй бўлса . . . . .	26
Дунёни сақлайлик . . . . .	27
Сўз . . . . .	28
Мувашшаҳ . . . . .	29
Билмайсан . . . . .	30
Сўзласанг бедардга . . . . .	31
Марсия . . . . .	32
Урган . . . . .	33
Кечаси . . . . .	34
Сабабчи . . . . .	35
Тоза тут . . . . .	36
Тўш . . . . .	37
Адаб дерлар . . . . .	38
Шаҳар . . . . .	39
Сийратин билмай туриб . . . . .	40
Ишқ таърифи . . . . .	41
Ҳаргиз . . . . .	42
Хат . . . . .	43
Бўлолмади . . . . .	44
Мутойиба . . . . .	45
Боз-боз ўлсин . . . . .	46
Андеша қил . . . . .	47

Ухшай деб	48
Одоб анда бор	50
Ҳажринг ғамидан	51
Кўргандай	52
Ноз улашибсиэ	53
Путур кетса қаердан	54
Ростдур	55
Хабар	56
Ҳасад	57
Эй, гўзал.	58
Муҳаббатдан яралган	59
Эл севар хушёрни	60
Йиғлар	61
Йироғ этма	62
Рафиқам Муаттархонга	63
Фарзанди аржумандларимга	70
Мухаммас.	72
Мухаммаси Воқиф	74
Чархийни хотирлаб	75
Навой ғазалига мухаммас	77
Навой ғазалига мухаммас	79
Навой ғазалига мухаммас	81
Навой ғазалига мухаммас	82
Амирий ғазалига мухаммас	84
Огаҳий ғазалига мухаммас	86
Огаҳий ғазалига мухаммас	89
Аваз Утар ғазалига мухаммас	88
Чустий ғазалига мухаммас	90
Чархий ғазалига мухаммас	92
Жуманиёз Жабборов ғазалига мухаммас	94
Жонибек Субҳон ғазалига мухаммас	96
Мухаммас	97
Ҳаёт	98
Истиқдол мухаммаси	99
Ҳасрат	100
Пул ўлсин	101
Фириб	103
Поклик	104
Нон	105
Яна нон ҳақида	107
Аллаёрон	109
Мураббаъ.	111
Рубоии ва туртликлар	112
Фардлар	116

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Адабий-бадний нашр

**Саид Наби Воқиф**

**ДИЛ САДОЛАРИ**

Кичик девон

Муҳаррир *Ж. Субҳон*

Рағсом *Т. Сайдуллаев*

Техн. муҳаррир *Т. Смирнова*

ИБ № 5617

Босмаҳонага 29.06.98 да берилди. Босишга 17.09.98 да рух сат этилди. Бичими 70×90<sup>1/32</sup>. 2-нав босмаҳона қоғози. Адабий гарзитура. Юқори босма. 4,39 шартли босма тобоқ. 6,0 нашр босма тобоғи. Жами 1000 нусха. 4041-рақамли буюртма. Баҳси шартнома асосида.

«Ҳикоят-Шаҳодат» кичик корхонаси ҳомбилигида чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ғафур-Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 70017 Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмаҳонасида босилди. Тошкент, 700002, Сағбон, 1-кўча, 2-уй.